



# MILLIY TIKLANISH

36 (149) ● 2011 йил 14 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



## Истиқлол ва ёшлар

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Кўплаб янги олий ўқув юр்தларининг ташкил этилиши ақлаковати юксак, билимли ёшларнинг сараланиши, ўзи танлаган ўқув даргоҳида таълим олиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши ва иқтидорларини намоён этишида кўмак ва восита бўлмоқда.



## Электроника замони

Информацион технологиялар барча соҳалардаги ихтиро ва кашфиётларнинг содир бўлиш мuddатини қисқартирди, уларни жамият орасида кенг қўламда ишлатилишини таъминлади. Натижада электроника ютуқлари инсон фаолиятининг деярли ҳамма соҳаларида — саноат, тиббиёт, инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўпгина соҳаларида қўлланилмоқда.



## "Мўъжизалар олами"да

Музейнинг очилиш маросими байрамга айланди. Карнай-сурнай садолари остида болажонларнинг шўх-шодонлиги кишига завқ бағишлади. Уларнинг қизиқиши ҳам турлича: кимдир ўйин кулгу билан банд, бошқаси берилиб расм чизмоқда. Бу ёшларга мустақил фикр юритиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишда муҳим омил бўлади.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

8 КЎЗГУ

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Йўналишсиз таксилар

ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кўзда тутилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, экспертлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, "Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун масъулият оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳада хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш чораларини қўллаш

ва бу каби ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган жавобгарлик кўзда тутилмоқда. Шундан сўнг депутатлар эътиборига иккинчи ўқишда киритилаётган "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 175-моддасига ва "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳавола қилинди.

2-бет

## ТАНЛОВ

### Улуғ боболар изидан...

Бангладеш халқ республикасида ўтказилган Биеннале-2011 VI-халқаро болалар санъат биенналесига ўзбекистонлик ёш ижодкорлар томонидан 42 та асар тақдим этилди. Шундан 2 нафари кумуш ва бронза медалини қўлга киритди, 16 нафар ёшлар махсус дипломлар билан тақдирланди. Халқаро болалар санъат биенналесига ҳар йили Бангладеш Шишу академияси ҳамда ушбу мамлакатдаги аёллар ва болалар ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилади. Дунёнинг турли минтақаларидан 9 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш иқтидорлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси тизимидаги ўқув муассасаларининг ёш ижодкорлари ҳам муваффақиятли иштирок этди. Танловда иккинчи ўринни эгаллаган Бегзод Азимов Амир Темир, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби қаҳрамонлар образини ўз асарларида моҳирона тасвирлаган. Бегзод устозлари томонидан баён этилган ўзбек қаҳрамонлари аксини кенг тасаввур оламида гавлантириб, суратларда акс эттиради. Бегзод Азимов ҳозир Республика рассомчилик коллежининг 1-курс талабаси. Шахрисабзнинг гўзал табиати, хуш манзараси уни рассомчилик сари ундади. Бангладеш биенналеисининг бронза медали соҳиби Темир Михайлов ҳам асли шаҳрисабзлик. "Қашиқадар манзараси", "Оқтош", "Тонг", "Тоғ бағрида" каби асарларида табиатнинг энг гўзал маканларини акс эттирган. Мутахассисларнинг айтишича, у яратган расмлардаги қишлоқ одамлари, уларнинг турмуш-тарзи, урф-одатлари халқаро даражадаги биенналеда голибликни қўлга киритишга сабаб бўлган.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА

3-бет

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

# Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз мустақилликнинг илк кунларидан демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган мустақил тараққиёт йўлини танлади. Бу борада "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилига оғишмай амал қилиниши фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига имкон берди. Айниқса, кейинги ўн йилда турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат потижорат ташкилотлари ҳар томонлама шаклланди ва ривожланди.

натининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида истиқлол йилларида соҳада эришган ютуқлар сарҳисоби асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш бора-сида янги вазифалар белгилаб берилди.

Муҳтарам Юртбошимиз- бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг ўтган йил 12 ноябрда Қонунчилик палатаси ва Се-

2-бет

## ИЛМИЙ САФАР

# Муҳаммад Ҳайдар мирзони йўқлаб...

Муҳаммад Ҳайдар мирзо Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлиб, соҳибдевон туркийгўй шоир сифатида танилган. У фундаментал тарихий асар муаллифи бўлиб, яқинда Бобур номли жамоат фонди ташаббуси билан мазкур асар ўзбек тилига ўзгирildi. Шунга қарамай, мутахассислар томонидан Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг 1540-1551 йиллардаги фаолияти ҳақида маълумотлар озлиги эътироф этилиб, Афғонистон ва Ҳиндистонга илмий сафар уюштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Зеро, мазкур тарихий асарга муаллифнинг қисмати ҳам бевосита дахлдордир.

Муҳаммад Бобур учун бобо ва буви бўлишса, уларнинг оналари Қутлуг Нигор хоним билан Хўб Нигор хоним опа-сингил бўлган ва Тошкентда ўсиб улғайишган. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг киндик қони Тошкентда томган...

Халқаро экспедиция аъзоларининг биринчи иш фаолиятлари Тошкентдаги Ислам университети ховлисидаги Султон Юнусхоннинг қабри-мақбараси зiyorат қилинди. Сафаримизнинг навбатдаги манзили Андижон шаҳри бўлди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо "Тарихи Рашидий" асарида "Тошкандан Андижонгача ўн кунлик йўлди" деб қайд этган. Биз беш соатда республика пойтахтидан вилоят марказига кириб келдик. Ўсмир Ҳайдар мирзо ҳам Бобур сингари Андижонда камолга етди; саройдаги муҳим кенгашларда катнашиб, давлат арбоблиги ва ҳарбий ишлар сирларини ўрганди.

Бобур номли жамоат фонди қошида мунтазам фаолият кўрсатаётган халқаро илмий экспедициянинг Ҳиндистон сафаридан мақсад Бобурнинг "Бобурнома" ҳамда Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг "Тарихи Рашидий" асаридаги манзил-маконлар бўйлаб илмий излашлар олиб бориш, Мирзо Бобур ва Ҳайдар мирзо қадам-жолари ҳақида янги маълумот-

лар тўплашдан иборат эди. Сафар дастлаб Тошкент шаҳридан бошланди. Чунки пойтахт Бобурга ота-она, буви ва бобоси томонидан қанчалар муҳим ва дахлдор шаҳар бўлса, Муҳаммад Ҳайдар мирзога ҳам шунчалик яқиндир. Тарихий маълумотларга кўра, Тошкент хони Юнусхон ва унинг хотини Эсан Давлат бегим Муҳаммад Ҳайдар ва Заҳириддин

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

# Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

### ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, Президентимизнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид илгари сурган ташаббуси фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда мамлакатимизда халқимизнинг ноёб анъана ва қадриятлари, шахсининг жамият олдидagi мажбуриятлари бажарилишини кафолатлайдиган, ўзини ўзи бошқариш институтининг ўзига хос кўриниши бўлган маҳалла институтининг ривожлантирилиши фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги қарийб ўн мингта фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти (маҳалла) фаолиятининг тараққиёт йўли ва унинг мустақам ҳуқуқий асосларини кузатар эканмиз, республикамизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар — кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари асосий принципнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, истиқлолнинг дастлабки йилларида маҳаллага икки вазифани амалга ошириш бўйича ҳуқуқий ваколат берилган бўлса, бугунги кунда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларидан 30 дан ортиқ

ижтимоий-иқтисодий хусусият-ли вазифалар улар ваколатига берилди. Масалан, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал-хўжалик ишларини ҳал қилишда амалий кўмак бериш, оилани мустаҳкамлаш ва унинг фаровонлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳалла ўз ҳудудида тинчлик-осойишталикни таъминлайди. Яраштирув комиссияси, «Маҳалла посбони» каби самарали механизмлардан фойдаланиш ижобий натижалар бермоқда.

Ўзини ўзи бошқариш орган-



**Партиямиз демократик мактаб сифатида истиқлол йилларида ривожланган маҳаллага ўзбек халқининг ўзига хослиги, анъаналари, маданияти, маънавияти ва манфаатларини бирлаштирадиган турмуш тарзи деб қарайди. Шу боис, партиямиз маҳалла ҳудудида аҳоли манфаатларини янада кенг намойиш этиш, фуқаролик жамиятининг мазкур бўғинини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун унинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш тарафдори.**

лари қонунчилигини янада тақомиллаштириш тўғрисидаги ташаббус ЎЗМТДП илгари суралган маҳаллага ўзбек халқининг ўзига хослиги, анъаналари, маданияти, маънавияти ва манфаатларини бирлаштирадиган турмуш тарзи деб қарайди. Шу боис, партиямиз маҳалла ҳудудида аҳоли манфаатларини янада кенг намойиш этиш, фуқаролик жамиятининг мазкур бўғинини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун унинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш тарафдори.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолияти-

нинг ташкилий асосларини янада тақомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда". Албатта, мазкур вазифа амалга оширишда Ўрт-бошимиз томонидан Концепцияда илгари суралган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган ташаббус алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг бирламчи бўғини ҳисобланган маҳалла йиғинларида бошқарув органларидagi мансабдор шахсларни тақлиф этган ҳолда, қонуний ўрнатилган муддатда давлат дастурлари

ижроси, мавжуд ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш борасида амалга ошираётган ишлари юзасидан уларнинг ахборотларини тинглаш ҳуқуқини эслатиб ўтиш жоиз. Ўз навбатида, ушбу йиғинларда маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар олдида давлат аҳамиятига молик вазифалар ижросига оид ҳисоботини тинглаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Яъни, маҳалла аҳли томонидан жамоатчилик эшитишларини ташкил қилишдек жамоатчилик назорати институтини қўллаш учун аниқ шароит яратилади.

Бу каби қўшимчалар бир томондан жойларда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берса, иккинчи томондан, бир пайтнинг ўзида маҳалла ҳисоботини тинглаш имкони бўлади. Зеро, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларга оид жамоатчилик фикри айнан маҳаллада шаклланади.

Бундан ташқари, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилиши кўзда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар маҳалланинг аҳоли ва ваколатларини янада кенгайтиради. Уни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш жараёнини тақомиллаштиради.

Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тизимли ва изчил чора-тадбирлар ижтимоий фаол, халқимиз аниқ ва маънавий меросига содик, қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялаш учун зарур шароит яратилади.

"Партия Концепцияга" мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг қонуний асосларини тақомиллаштириш орқали маънавий-миллий қадриятларини тиклаш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, одамлар онгига демократик қадриятларини миллий таъриб асосида сингдиришда фаол иштирок этишни зарур деб ҳисоблайди.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**  
**ЎЗМТДП фракцияси**  
**аъзоси**

### ● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



# Йўналишсиз таксилар

### ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, жорий йилнинг 1 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул бўлиши билан маҳалла вазифи бўлими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш, ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими раҳбари томонидан қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тақлиф этилмоқда.

Кун тартибидagi навбатдаги масала "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ("Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига

ўзгартиш киритиш ҳақида")ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу лойиҳа Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил 12 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва ташкил этиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Унга асосан, Қонуннинг 14 моддасига янги ташкил этиладиган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун устав жамғармасининг энг кам миқдорини жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидagi ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 40 баробаригача пасайтириш ҳақидаги ўзгартиш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майдаги 139-сонли қарори билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йўналишсиз таксиларни ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш бўйича ягона таниш белгилари тасдиқланган эди. Шу муносабат билан

қонун лойиҳасига кўра, Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга йўналишсиз таксиларнинг ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаганлиги учун маъмурий чораларни кўзда тутувчи қўшимча киритиш кўзда тутилган. Шунингдек, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли ҳамда 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарорларида қўлланилаётган атамаларни бирхиллаштириш мақсадида мазкур кодекснинг 121 ва 122 моддаларига тегишли қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, фракция аъзолари "Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 йилги (Анталья) ва 2010 йилги (Гвадалахара) Фракцияларнинг биринчи ўқишда қўриб чиқилган.

Йиғилиш сўнгига муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Камолiddин ҲОТАМОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

### ● ТАНКИДИЙ ТАҲЛИЛ

**Жорий йил биринчи ярим йилгида Булунгур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури якунларига бағишлаб ўтказилган фаоллар йиғилишида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқид қилинди. Жумладан, вилоятда аҳоли жон бошига 289,1 минг сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич туманда 52,4 минг сўмни ташкил этган. Яъни, асосан мева-сабзавотчиликка иxtисослашган ва қатор қайта ишлаш корхоналарига эга бўлган Булунгурдек туманда sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми вилоятга нисбатан атиги бир фоизни ташкил этиши қониқарсиз ҳолат, деб баҳоланди. Барча иқтисодий, ҳуқуқий моддий шароитлар яратилган бир шароитда туман тадбиркорлари sanoatни қишлоққа олиб кириш, кичик ва қўшма корхоналар ташкил этишда нега оқсоқликка йўл қўйишмоқда?**

Маълумотларга кўра, ўтган ярим йилда 501 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган. Бироқ бугунги кунда уларнинг 91 таси фаолият қоритмапти. Масалан, давлат мулки бўлган "Мирзо Улуғбек" номли корхонани хусусийлаштириб олган мулкдор Зафар Рустамов ҳамда "Килдон" хусусий фирмаси сингари қатор корхоналар қарздорлиги ошиб кетганлиги боис фаолиятини тўхтатган. Бундан ташқари, "МКК-9 таъминотчи" шўъба корхонаси ва "Эгамберди Дўсанов" хусусий корхонаси

эса банкротликка учраган. Эътибор берган бўлсангиз, сабаблар турлича, натижа эса бир хил — фаолият тўхтаган. Хўш, фаолият қоритмаётган корхоналар билан қизиқаётган идора ёки сиёсий партия борми? Агар бор бўлса, улар нима қилишмоқда? Умуман олганда, кейинги йилларда қайси партия, қандай хайрли ишнинг ташаббускори бўлди? Туманининг ижтимоий, иқтисодий ривожланишига дахлдор бўлган қандай масалалар дадил кўтарилиб, ечим ҳақида тақлифлар ўртага ташланди? Бундай саволларга жавоб топиш учун табиийки, бўлиб ўтган халқ депутатлари туман

# Депутатлик назорати нега суст?

Кенгаши сессияларида муҳокама қўйилган масалаларни кўздан кечириш лозим бўлади. Бухусусда, аввало, туман ҳокимлигида бўлиб, ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Аликул Аҳмедов раҳбарлик қилади. ЎзЛиДеП туман Кенгаши раиси ўринбосари Туроб Раупов билан суҳбатимиз ҳам анча мушкул бўлди. У "Хар чорак якунида депутатлар ҳисоботини эшитамиз. Тадбиркорлар дардини тинглаб бораёلمиз. Улар кўпроқ хўжалигини тиклашда, кредит олишда ёрдам сўраб келишди" деган умумий гаплардан нарига ўтмади. Қайси тадбиркор қачон, қандай масала билан мурожаат қилган, сизлар томонингиздан қандай ёрдам қилинди, деган саволларимиз, афсуски, жавобсиз қолди. "Ҳужжатлар уйда қолган", дейишдан нарига ўта олмади. Ўртимизга ҳадемай қиш ҳам келади. Булунгурнинг қиши қаттиқ бўлади. Сабаби, 2011-2012 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш суст кечмоқда. Асосий муҳандислик ишлари, уй-жой фондини тайёрлаш, ёниги ва ёқили бўйи-

рати ҳисобланади. Булунгурда партиянинг 680 нафар аъзоси бор. Туман Кенгашида тузилган депутатлик гуруҳига "Булунгур-транс" хусусий йўловчи ташиш фирмаси раҳбари Аликул Аҳмедов раҳбарлик қилади. ЎзЛиДеП туман Кенгаши раиси ўринбосари Туроб Раупов билан суҳбатимиз ҳам анча мушкул бўлди. У "Хар чорак якунида депутатлар ҳисоботини эшитамиз. Тадбиркорлар дардини тинглаб бораёلمиз. Улар кўпроқ хўжалигини тиклашда, кредит олишда ёрдам сўраб келишди" деган умумий гаплардан нарига ўтмади. Қайси тадбиркор қачон, қандай масала билан мурожаат қилган, сизлар томонингиздан қандай ёрдам қилинди, деган саволларимиз, афсуски, жавобсиз қолди. "Ҳужжатлар уйда қолган", дейишдан нарига ўта олмади. Ўртимизга ҳадемай қиш ҳам келади. Булунгурнинг қиши қаттиқ бўлади. Сабаби, 2011-2012 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш суст кечмоқда. Асосий муҳандислик ишлари, уй-жой фондини тайёрлаш, ёниги ва ёқили бўйи-

ча захираларни гамлаш етарли даражада ташкил этилмапти. Куз-қишга ҳозирлик жараёнида 0.9 км. табиий газ тармоқлари мукамал таъмирланиши лозим эди. Иссиқ кунлар ўтиб бормоқда, бироқ бу иш ҳали бошланган эмас. Суолтирилган газ таъминоти ҳам ўлда-холок. Касб-хунар коллежларида етказилиши режалаштирилган 207 тонна кўмир ҳали олиб келинмаган. Намунавий уй-жой қурилиши Булунгур туманида ҳам давом этмоқда. Айни пайтда Мингтепа ҳамда Тумановул мавзесида 35 та намунавий уй-жой қурилимоқ-

да. Ушбу мавзеларда "Ниятбек", "Самтаъмир элегант" қурилиш корхоналари томонидан тиклашиб, уй-жойларнинг битказилиши белгиланган муҳлатдан ортда қолмоқда. Туманда бу сингари муаммолар етарли. Уларни тўқил ҳал этиш биргина туман ҳокимлиги-

нинг қўлидан келадиган иш эмас. Бу масалада жамоат, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳам ҳамкорлиги, ёрдами зарур. Бундай ташкилотларнинг кўзга кўринганлиги сифатида яна сиёсий партияларни эслашимиз мумкин. Хўш, нега ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросида сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларининг ўрни сезилмаяпти? Нима учун сиёсий партиялар маҳаллий кенгашилар ва депутатлар мазкур муаммолар юзасидан депутатлик ёки жамоатчилик назоратини олиб бориш, муқобил тақлифларни илгари суриш ўрнига жим туришни, томошабин бўлишни афзал қўришмоқда.

**Халқ депутатлари Булунгур туман Кенгашининг 29 нафар депутатидан 17 нафари ЎзХДП, 8 нафари ЎзЛиДеП, 4 нафари ЎзМТДПдан сайланган. Мазкур ҳудудда "Адолат" СДПнинг биронта ҳам депутати йўқ. Ўтган даврда халқ депутатлари туман кенгашининг 10 та сессияси бўлиб ўтган ва қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Биз олтинчидан ўнинчи сессиягача бўлган йиғилишлар кун тартибини кўриб чиқдик. Афсуски, уларнинг бирортасида ҳам иш фаолияти тўхтаб қолаётган корхоналарга тегишли ёрдам кўрсатиш, ўзини ўнглаб олишига кўмаклашишга қаратилган масалани депутатлар гуруҳлари кўтариб чиқмаган ёки депутатлик назоратини олиб бормаган.**

жўлда қолмоқда. Ижтимоий соҳа иншоотлари ва аҳолига 3466 тонна кўмир жамғарилиши лозим эди. 19алдан жамғарилгани эса 101 тоннани, ёки 29,1 фоизни ташкил этмоқда. Аҳолига етказиб берилиши лозим бўлган 2500 тонна кўмирдан атиги 290 тоннаси келган,

да. Ушбу мавзеларда "Ниятбек", "Самтаъмир элегант" қурилиш корхоналари томонидан тиклашиб, уй-жойларнинг битказилиши белгиланган муҳлатдан ортда қолмоқда. Туманда бу сингари муаммолар етарли. Уларни тўқил ҳал этиш биргина туман ҳокимлиги-

Ватан манфаатлари ҳар нарсадан устун. Бу йўлда кенг жамоатчилик ҳам, сиёсий кучлар ҳам бирлашиши лозим. Бир мақсад атрофида бирлашганлар эса ҳар ишга қодирдир.

**Ориф ҲОЛИКУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**



# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● **НИГОҲ**



## Истиқлол ва ёшлар

**БИРГА ОДИМ ТАШЛАМОҚДА**

*Миллий истиқлол шарофати тўғрисида ўзгаришлар, қадр-қимматини топиб қад ростлаётган, ўзига хос тараққиёт ва юксалиш йўллари белгилаб, истиқболнинг ёрқин уфқлари сари музаффар одимлар ташлаб бораётган Ўзбекистонимиз жаҳон узра шону шухратга сазовор бўлаётгани, юзлаб давлатлар билан яқин алоқа ва ҳамкорлик ўрнатаётгани, миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз, гўзал удумларимиз, дину иймонимиз қайта тикланиб, халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкига айланиб бораётганлиги — булар бузун кечаётган дорилмон давримизнинг бетакрор, беқиёс характерли белгиларидандир.*

Мана 20 йилдирки, она юртимиз бағрида мазмун ва кўламли асрларга қиёс қилгулик улғувор, хайратомуз ўзгаришлар, салмоқли ижтимоий силжишлар юз бермоқда, халқимизнинг турмуш тарзи, маънавий қиёфаси бойиб, сифат жиҳатидан ўзгариб бормоқда. Бу эса шубҳасиз, бахтиёр замондошларимизнинг олға томон ҳаракатларида, интилишларида, уларнинг юксак эзгу мақсадлар сари хайрли изланишларида ўз ижобий самарасини намояндалаштирмоқда. Айниқса, эртанги кунимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлод таълим-тарбияси давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, юксак маънавиятга эга бўлган комил инсонни тарбиялашга интилиш — бизнинг миллий хусусиятимиздир. Умуминсоний қадриятлар саналмиш ахлоқий, маънавий-маърифий бой фазилатларимизни бугунги авлод мулкига айлантириш, аждоқларимизнинг анъана ва тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш долзарб масалалардир.

Инсон маънавиятини шакллантириб, камолот сари етаклайдиган билим ва тажрибаларни ўсаётган ёш авлод онгига сингдириш, таълим-тарбия тизимини шу асосда қайта қўриб чиқиш, айниқса, бугунги кунда муҳим.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилаётган ислохотлар ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Кўплаб янги олий ўқув юртиларнинг ташкил этилиши ақл-заковати юксак, билимли ёшларнинг сараланиши, ўзи танлаган ўқув даргоҳида таълим олиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши ва иқтидорларини намояндалаштиришида кўмак ва восита бўлмоқда.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, “Қадрлар тайёрлаш миллий

дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг жорий этилиши, уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинларининг мунтазам ўтказиб борилиши, “Ниҳол”, “Зулфия” номлидаги давлат мукофотларининг таъсис этилиши, турли даражадаги Давлат стипендиялари, истеъдодларни кашф этиш борасидаги “Келажак овози”, “Янги авлод” каби қатор танловлар, фан олимпиадалари — буларнинг барчаси биз ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишиши, истеъдодларимизни намояндалаштириши учун яратилган катта имконият ва шароитлардир.

**Мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилаётган ислохотлар ёшларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Кўплаб янги олий ўқув юртиларининг ташкил этилиши ақл-заковати юксак, билимли ёшларнинг сараланиши, ўзи танлаган ўқув даргоҳида таълим олиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши ва иқтидорларини намояндалаштиришида кўмак ва восита бўлмоқда.**

Мустақиллик йилларида иқтисодий, маънавий-ахлоқий ўзгаришлар, илм-фандаги ислохотлар Ўзбекистон ёшларининг тафаккури ва дунёқарашига кучли таъсир этиб, уларда адолат, ҳақиқат, ҳалол меҳнат қилиш каби фазилатларини шакллантирмоқда. Шунинг учун ҳар истиқлол йилларида ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ана шундай кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ қанчадан-қанча иқтидорли ёшларимиз “Устоз”, “Истеъдод” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмаги ва ривожланган мамлакатлар таълим грантлари асосида дунёнинг энг нуфузли университет ва институтларида таълим олишмоқда. Ҳукумати- миз томонидан биз ёш авлодга берилган бундай имконият,

юксак эътибор қувонч улаштириш билан бир қаторда улкан масъулият ҳам юклайди.

Бугунги кунда республика- мизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар техник таълими Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқори ўринда туради.

Ўзбекистонда 17 ёшга бўлган янги авлод 10 миллион 924 минг кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Болгария, Молдавия биздан 10 баробар, Венгрия, Чехия, Туркменистон, Қирғизистон 5 баробар, Тожикистон 3 баробар, Қозоғистон 2 баробар орақда. Мамакат келажак бўлган ёш фуқаролар сони бўйича биз Украинадан ҳам ўзиб кетдик.

Дарҳақиқат, ёшлар Ўзбекистонимизнинг ишончи, таянчи ва келажак. Зеро, биз ёшлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликка жавобан чин маънода ўз сўзидини баралла айтиб, иқтисодиётни янада юксалтириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги ислохотларни амалга оширишда янада фаол бўлишимиз лозим.

Биз босиб ўтган жуда қисқа

тарихий давр мобайнида ўз-ўзимизни том маънода англаб етдик, ақлий, ахлоқий ва маънавий жиҳатлардан янада юксакликка кўтарилдик. Айни замонда дунё халқлари орасида ўз муносиб ўрнини мустақамроқ эгаллашга мушарраф бўлдик.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шазини, не-не улғу зотларнинг ворислари эканлигини, бир сўз билан айтганда, ўз-ўзимизни англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган буюк халқимиз.

**Босит УМАРХОДЖАЕВ, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендианти**

● **СОЛНОМА**

## Янги тафаккур маркази

**“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ” МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА ЎН БЕШ ЙИЛ БЎЛДИ**

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тез орада Ўзбекистон кенг имкониятлари, ички ва ташқи сиёсати билан жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига тортиди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзи ҳал қилишга қодирлигини кўрсатган ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштирок этиши мумкин бўлган давлат сифатида ўзини намояндалаштирди. Албатта, бундай тарихий жараён инсоният тарихида турли даврларда, турли ҳудудларда, турли шаклларда юзага келган бўлсада, айни Ўзбекистонда яратувчилик ва бунёдкорлик фақат ишлаб чиқариш ва моддий манфаатдорлик юзасидангина эмас, балки инсон, унинг моҳияти, бутун қадрияти, тафаккури, онги ва қалби орқали юзага келтириш тамойили устуворлик қилди.*

Мустақиллик ана шу тарзда ўтмишга янги назар билан қараш, тоталитаризм шароитида сохталаштирилган тарих, гайри-инсоний мафкурага қурбон қилинган гоётда бой маданият, топталган миллий ғурур ва нафсониятни қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган фан ва мафкура соҳасида туб бурилиш ясашни тақозо этган эди. Ана шу вазифани амалга ошириш мақсадида 1996 йил 19 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказини ташкил этиш тўғрисида фармойиши юзага келди. Унга кўра «Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш, мафкуравий маҳдудлик, тарихий сохталаштиришдан озоод бўлган ва муте-лик руҳиятидан покланган, миллий тикланиш, юксак маънавият гоғларни, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида ифодалаган, умуминсоний қадриятларга ва Ватанга муҳаббат руҳи сингдирилган Мустақиллик даврининг янги, ҳақиқий тарихини ёзиш ва ўрганишни амалга ошириш» лозим эди.

Мазкур ҳужжат асосида юзага келган янги илмий тадқиқот маркази мана ўн беш йилдирки, фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тўпланган қатор йирик мутахассислар ва тадқиқотчиларнинг янги авлоди Фармойишда белгилаб берилган «Мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи ҳаётида содир бўлаётган оламшумул жараёнлар ва уларнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатиш асосида Ўзбекистоннинг янги тарихини ёзиш ва ўрганишни ташкил этиш; Ўзбекистонни янги тарихини тайёрлашда умуминсонийлик, тарихийлик, илмийлик ва бошқа умумбаъшарий тамойилларга асосланган ҳолда ўтмишни сохталаштириш, мафкуравий маҳдудликдан холи бўлган унинг концепциясини ишлаб чиқиш» вазифаларини бажариб келмоқда.

Шунингдек, мустақиллик даври тарихини яратиш, бу зиддиятлар, курашлар ва изтиробларга тўла қисқа, аммо, ниҳоятда мураккаб тарихий жараён динамикаси ва драматизмининг яхлит тарих ҳолига келтириш, уни тизимли таҳлил этиш ва бутун моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш, энг аввало, мустақиллик даври тарихини тўғри ва ҳаққоний ёритишни тақозо этарди. Ана шу мақсадда уч ғуруҳдан иборат йирик мутахассислар «Ўзбекистоннинг янги тарихи» туркумида учта монография яратишга киришишди. Биринчи китоб — чоризм даври тарихи, иккинчи китоб эса шўро даври мустақиллик даври тарихи сифатида бутунлай янги қарашлар, янги манбалар, ўрганиш ман этилган ҳужжат-

лар асосида вужудга келди. Учунчи ғуруҳ эса «Мустақил Ўзбекистон тарихини» яратиш билан шуғулланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик моҳиятини, унинг бутун қадриятини, ҳар бир инсон шахсияти, қадр қиммати, шаъни ва яшаш ҳуқуқини англаш учун айни истилоҳчилик, мустақилликчилик, мафкуравий ҳукмдорлик, турли қатағонлар ва миллий маънавий камситишлар орқалигина ўзининг бутун моҳиятини очиши мумкин. Ана шу жиҳатдан қараганда «Туркистон чор Россияси мустақиллик даврида» ва «Ўзбекистон совет мустақиллик даврида» номли китобларнинг илмий-тарихий аҳамияти катта, деб ўйлаймиз.

Мустақиллик даври тарихи эса бир томондан айни ана шу узлуксиз тарихий жараённинг давоми ва бутунлай янги даврнинг солномаси сифатида юзага келди. «Мустақил Ўзбекистон тарихи» деб номланган, 37

**Мустақиллик даври тарихи эса бир томондан айни ана шу узлуксиз тарихий жараённинг давоми ва бутунлай янги даврнинг солномаси сифатида юзага келди. «Мустақил Ўзбекистон тарихи» деб номланган, 37 босма табоқ ҳажмдаги 560 бетлик китоб мустақиллик учун кураш, унинг изтироблари, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар, турли мафкуравий тазйиқлар ва зўравонликларни ниҳоятда қудратли сиёсий-маънавий ирода билан енгиш жараёнларини ўзига қамраб олди.**

босма табоқ ҳажмдаги 560 бетлик китоб мустақиллик учун кураш, унинг изтироблари, ички ва ташқи қарама-қаршиликлар, турли мафкуравий тазйиқлар ва зўравонликларни ниҳоятда қудратли сиёсий-маънавий ирода билан енгиш жараёнларини ўзига қамраб олди. Жумладан, мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, сиёсий-ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши, иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари, Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш, миллий қадриятларнинг тикланиши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши сингари масалалар бутун кўлами билан қамраб олинишига эътибор берилди.

Ўзбекистон давлат суверенитетининг эълон қилиниши ва унинг умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиши, мустақил давлат ҳуқуқий асосларининг яратилиши ва конституциянинг қабул қилиниши масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бошқарувда янги ҳақиқат усуллари жорий этиш, миллий бошқарув тамойиллари билан жаҳон давлатчилиги тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда бошқарувнинг «Ўзбек модели»ни яратиш, демократик та-

мойилларини чуқурлаштириш, кўппартиявийлик, жамоат ташкилотлари ролини ошириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқаруви тўғрисидаги иштирокини таъминлаш... булар мустақиллик даври дастлабки йилларидаги жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар эди. Буларни бугун — орадан 20 йил ўтиб вазирилик билан эсга олишимиз мумкин. Ваҳоланки, мустақилликни эълон қилиш ва халқлар доҳийси номи билан аталадиган, унинг жуда хайбатли ҳайкали виқор билан турган майдоннинг номини ўзгартириб, Мустақиллик майдони деб атаб, бу улкан ҳайкални олиб ташлаш мафкуравий жиҳатдан ҳам, ижтимоий-тарихий жиҳатдан ҳам осон эмас эди. Ёки пойтахтнинг қоқ ўртасида аввал истилоҳчилар раҳнамоси генерал Кауфманнинг, сўнграқ халқлар «ота»си, ақллилар ва зиёлилар қушандаси Сталиннинг, ундан кейин эса коммунистлар доҳийси К.Маркснинг ҳайкали ўрнатилган жойда буюк соҳибқирон Амир Темури ҳайкалини ўрнатилиши чиндан ҳам тафаккурдаги янгилик, сиёсий ирода ва жасорат эди.

Мустақил Ўзбекистон тарихи иқтисодий соҳадаги туб ўзгаришлар, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, фан, таълим, маданият ва спортни бутун чоралар билан ривожлантириш, аҳолини бундай ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалда тадбиқ этиш бевосита ислохотлар ташаббускори ва раҳ-

намоси Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган кенг миқёсли жараён сифатида эътироф этилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, кунги кеча жаҳон хариталарида пайдо бўлган ёш мустақил давлатнинг дунё муаммоларини ҳал этишда ўзига хос ёндашуви, сиёсий, назарий ва амалий жиҳатдан асосли хулосаларни дадил кўтариб чиқиши, глобал дунёнинг глобал муаммолари ечимини топишда ноёб қобилияти бутун мустақиллик тарихи тараққиётининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Шу кунларда — Мустақилликимизнинг 20 йиллиги зўр тантаналар билан нишонланаётган бир паллада ушбу урта китоб «Шарқ» матбаа-нашрият акциядорлик компанияси томонидан тўлдирилган, қайта ишланган (2-китоб бутунлай янги) ҳолда нашр этилди. Уларни ҳар бирининг ҳажми 40-45 босма табоқдан иборат бўлиб, 3000 нусхадан чоп қилинди.

Марказ олимлари томонидан мустақиллик даври тарихий сиёсий, иқтисодий, маънавий ва тарихий жиҳатдан турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилади. Натихада ўн йил мобайнида 50 га яқин номда китоблар — рисоалар, қўлланмалар, дарсликлар, монографиялар ва илмий-оммабоқ асарлар юзага келди. Жумладан, «Тарихи фалсафаси», «Истиқлол ва тарихий жараён», «Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти», «Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари»,

«Матбуот ва маънавий мерос», «Истиқлол матбуоти ва соҳибқирон Амир Темури», «Қадимги Ўрта Осиё тарихи», «Ўзбекистон давлат бошқаруви тарихи», «Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии», «Тафаккурдаги эврилиш», «Янгиликлар концепцияси: яратилиши, эволюцияси, амалиёти» «Тарихи фалсафасининг назарий асослари», икки жилдик «Миллий журналистика тарихи» сингари кўплаб китоблар ва монографияларни мисол қилиб келтириш мумкин. Айни пайтда ўзбек журналистика тарихида биринчи марта яратилган ушбу томлик рус тилида чоп этилмоқда.

Энг қадимий маданий ёдгорлигимиз «Авесто» яратилганидан буён илк марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Бу нодир асар ҳозир дунёда мавжуд энг тўла ва илмий шарҳлар билан чоп этилган нашр ҳисобланади.

Шунингдек, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежалари ўқувчилари учун миллий истиқлол даври тарихи дарслик сифатида яратилди. «Ижтимоий асослари» номли қўлланма ҳамда «Шахс ва жамият» номли дарсликлар ҳам юзага келтирилди. «Ўзбекистон тарихи» дарслиги 5 та тилда, «Инсон ва жамият» дарслиги эса 7 та тилда таржима қилиниб, чоп этилди.

Айтиш мумкинки, мустақиллик даври тарихи ҳали тўла тарихга айланиб улгурмаган, жараёнлар изчиллик билан давом этаётган, вақт ўтгани сайин бу жараёнларнинг моҳияти кенгроқ очилиб, тарихий аҳамияти ошиб бораётган

воқелик. Демак, ҳали тугамаган бундай тарихий жараён айни бир пайтда фалсафий тафаккур, мантиқий мушоҳада, ижтимоий тадқиқотлар ва маънавий-маърифий янгиликлар ҳодисаси билан узвий боғланган бўлади. Иқтисодий билим ва ҳуқуқий онг ислохотлар самарадорлигини оширадиган, миллий мустақиллик моҳиятини жиддий равишда бойитадиган манбадир. Шунинг учун мустақиллик даври тарихини яратишнинг ўзига хос мураккаблиги, жиддийлиги ва ўта масъулиятчилиги мавжуд жараёнларга кенг миқёсда қараш, унинг туб моҳиятига етиб бориш ва турли турдош тадқиқот усулларида кенг фойдаланишни тақозо этади.

Марказ ходимлари, олимлари ва мутахассислари айни пайтда халқимиз тарихини бутунлай янги қарашлар, талаблар ва мезонлар асосида яратишга, унинг янгида-янги номаълум варақларини очишга, тарих ҳақиқатини тиклашга бутун имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Ўтган ўн беш йиллик давр Марказнинг тараққиёт, ривожланиш даври бўлди. Зотан, ана шу даврда тарихга ёндашишнинг янги қарашлари шаклланди. Тарихни тиклашнинг тажрибалари тўпланди. Энг янги тарихни яратишнинг ўзига хос мактаби вужудга келди. Чегара билмас ижодий жараён ва илмий изланишлар эса давом этмоқда.

**Нарзулла ЖўРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор**

# МАЪНАВИЯТ

## ИЛМИЙ САФАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

1514 йили хон унга ўз синглиси Мухиб султонни бериб, ёш Мухаммад Хайдарни кўрагонлик мартабаси билан сийлади. Садоқатли ва ғайратчан, билимли шогирд Мухаммад Хайдар мирзо Шарқий Туркистонда Саидия давлатига асос солган ҳукмдор Султон Саидхонга 24 йил хизмат қилди, унинг вазири ва ҳарбий кўмондони сифатида лашкар тортиб, Тибет қалъаларини Кашмиргача бўлган ерларни забт этган.

Микроавтобусимиз Андижондан "Дўстлик" давлат-чегара ҳудудидан Қирғизистонга ўтди. Бобур ва Хайдар мирзолар изларидан юриб, Уш, Аравон, Қизилқия, Учқурғон, Сўх ва Хушёр, Ворух қишлоқларидан ўтиб, кеч қоронғида Исфара шаҳрига кириб бордик. У ердан "Бобурнома" ва "Тарихи Рашидий"да бир неча мартаба тилга олинган қадимий ва навқирон Хўжанд шаҳрига етдик. "Бобурнома"да Хўжанд шаҳри, Мўғул тоғи ҳақида жуда батафсил, муҳим маълумотлар берилган. Бобур шаҳар кўрғони билан дарё оралиғи бир ўқ отими

нидан олиб битилган ўша машҳур тошни тожикистонлик олимлар бир неча бошқа битиктошлар билан Душанбега олиб кетганини айтишди. Дарҳақиқат, ўша сил-силлик қорамтир, ёзувлари жуда яхши сақланган қайроқ тош Душанбе шаҳридаги Тожикистоннинг қадимги санъати музейида кўргазмага қўйилганини кўрдик.

Биз Мухаммад Хайдар мирзо изидан юриб, Қўлоб, Помир, кейин Афғонистон Бадахшони маркази Файзиободда бўлдик. Бу жойнинг асл номи Жавзун бўлган. Файзиободда Коргарнинг "Темурийлар" номи йирик тадқиқотини қўлга киритдик. Техронда нашр этилган ушбу китобда Бобур ва бобурийлар фаолияти юқорида катта ўрин ажратилган. Файзиободдан 3-4 км. нарида — биз кўзлаган манзиллар Қалъаи Зафар ва Дашт мавзеи. Қалъаи Зафар ҳозир аҳоли яшайдиган бир йирик маҳалла, Дашт эса даштлик ҳолатида сақланиб қолган. Ушбу маконларда 1511 йилда Бобур бўлиб, Бадахшонга ўқаси Носир мирзони ҳоким қилиб қолдирган. Сўнгра Султон Увайс — Мирзохон гуноҳларини афв этиб, уни Бадахшон ҳукмдори қилиб жўнатган. Мирзохон вафот этган, ўғли Сулаймоншоҳни Кобулга чақиртириб олиб, Бадахшонга Хумоюн мирзони юборган.

билан боғлиқ ашёвий далиллар ва кўргазма билан танишдик.

Кашмир университетига бориб тарихчи олимлар билан суҳбатлашдик. Ўзбекистонимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, айниқса, маънавиятимизнинг янада юқалиши, қўнра тарихимизнинг тикланиши борасида олиб борилаётган эзгу ишлар ва қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида фикр алмашдик. Ташкент фарзанди Мирзо Хайдар қабрини қидириб Кашмирга келишимиз ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу-хайрли ишларнинг бир кўриниши, деб ҳисоблаймиз.

Кашмир университетининг тарих факультети профессори Мухаммад Ашраф Воний жаноблари бошчилигидаги ўрта аср тарихи бўйича мутахассислар билан қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Ўзро фикр алмашувлар натижасида топилган ёзма манбалар, Кашмир, Алигарх университетига, Деҳлида қўлга киритилган китоблар асосида Мирзо Хайдарнинг Кашмирда салкам 11 йиллик подшоҳ бўлган вақти хусусида нисбатан тўла маълумотларга эга бўлдик.

Жўрофияга оид Пир Гулом Хасан Қўҳқонийнинг "Тарихи Хассан" асарига Мухаммад Хайдар Мирзо ва бобурийлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган экан. «Та-

Носир Али ва Мулло Қосимлар Тибет ва Кашмир вилоятларида хотиржам ҳукмронлик қила бошлашди.

Мухаммад Хайдар мирзонинг хизматларига тарихан баҳо бермоқчи бўлсак, биринчидан, унинг ўн йиллик ҳукмронлигида Кашмир собиқ вайронликлардан тикланиб олди, яшай бошлади;

иккинчидан, у билан бирга келган сиёсий, илмий, маданий ва диний арбоблар Кашмирга ўша давр цивилизациясини келтирдилар, дейиш мумкин. Бу даврда Кашмир Буюк Ипак йўлига уланди. Бунинг сабаби, янги ҳукмдор ташаббуси билан шол ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўлди. Мусика санъати ривож топди;

учинчидан, Кашмир меъморчилигининг янги усули ва бог-роғ яратиш санъати ибтидога асос қўйилди. Боғи Сафо, Боғи Баҳорордан сўнг бобурийлар бу ерда Шалимар боғи, Боғи Нишот каби ўнлаб боғлар барпо этдилар.

Деҳлида Алигарх университетининг профессори Мансура Хайдарнинг "Мирзо Мухаммад Хайдар Дуғлат" номи (Деҳли 2002 йил) китобини қўлга киритдик. Бу китобда тарихий асарлардан Мирзо Хайдар ҳақида маълумот берувчи ўринлари танлаб олиниб, ўзига хос Мухаммад Хайдар мирзо

## "Истиқлолдан яшнаётган юрт"

УШБУ КИТОБДА ПОП ТУМАННИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ ЁРИТИЛГАН

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўз тарихи, гўзал урф-одатлари билан ажралиб туради. Аждодларимиздан бизга етиб келаётган тарихни ва бугунги ўзгаришларни келажақ авлодга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ана шундай улуг мақсадга қўл урган ижодкор, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси Гулжамол Мардоновдир. Ижодкор ўзбек тўйлари, бешки тўйлар, халқ ўйинлари, кўпқари ҳақидаги кўпжа китобларнинг муаллифи ҳамдир.

Яқинда тақдимоти бўлиб ўтган "Истиқлолдан яшнаётган юрт" китобини муаллиф Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлади. Китобда Наманган вилояти Поп туманининг қадим тарихи, ўтган йиғирма йил мобайнида турли соҳаларда амалга оширилган ишлар ва ўзгаришлар хусусида сўз боради. Асарда мустақилликни мустаҳкамлашда фаол иштирок этаётган Поплик замондошларимизнинг қиёфаси 800 дан ортиқ суратларда ўз аксини топган. Китоб публицистик нашр бўлиб, у "Офсетпринт" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Нихон" нашриёти томонидан чоп этилди. Китоб бир нечта бўлимлардан иборат бўлиб, Попнинг қадим тарихи, бугуни, сўнгги йиғирма йил ичида турли соҳаларда эришилган муваффақиятлари тилга олинган.

Маълумки, Поп ўзининг муайян тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш йўлига эга. Вилоятдаги ўнлаб туманлар ичида Поп ҳар томонлама тараққий

этиб бораётган гўшалар сирасига қиради. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотлар турман аҳолисининг ҳаёт даражасида яққол кўзга ташланаётгани сир эмас. Шунини таъкидлаш жоизки, бугун азалий аънава ва урф-одатларимизда турмуш таомиллимида акс этган миллий хунармандчиликнинг турли шакллари, каштадўзлик, тўқимачилик, қулпочилик, металл ишлов бериш билан боғлиқ дегрезлик, ипакчилик ва шу каби ўнлаб касаначилик турлари тараққий эта бошлади.

Дарҳақиқат, ўтган йиғирма йил ичида Поп тарихида миллий қурилишдан ўзгаришлар юз берди. Туман қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бир-биридан обод, ҳар томонлама қулайликка эга бўлган уйлар қурилди. Қишлоқлар инфра-структураси тубдан яхшиланди. Попликлар қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ва ишлаб қўлқўлидаги саломқли меҳнатлари билан истиқлол шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Бу шараф байроғини қўлида банд тутган замондошларимиз — овоз ва обод Ватанимизнинг қўлигул хунармандлари, даврахтан тилла ундиранидан боғ-роғдан бўлимлардан иборат бўлиб, Попнинг қадим тарихи, бугуни, сўнгги йиғирма йил ичида турли соҳаларда эришилган муваффақиятлари тилга олинган.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

# Мухаммад Хайдар мирзони йўқлаб...



Мухаммад Хайдар мирзо қабри. Султон Зайнулобидин қабристонини Кашмир, Сринагар шаҳри. Шимолий Ҳиндистон.



Навбатдаги манзил Деҳли бўлди. Бу шаҳар бобурийлар ва Мухаммад Хайдар мирзо қадамжоларидан ҳисобланади. Бобур асли "Дилли" деб аталадиган бу шаҳарда кўп марта бўлган. Деҳли Марказий Осиё тарихи ва маданиятида муҳим рол ўйнаган асли ўрта осийлик ҳукмдорлар ва мутафакир алломалару жаҳоншумул шоирлар қадамжолари — қабр-мақбараларига бой шаҳардир. Бу ерда биз Хумоюн мирзонинг ҳашаматли мақбарасини, ўзлари каби камтар, бироқ шухратларига яраша зиёратчилари кўп бўлган Амир Хисрав Деҳлавий, Абулмаоий Мирзо Абдулқодир Бедил, муаррих Мухаммад Хондамир, Мирзо Асадуллоҳ Фолиб мақбараларини таовф қилдик. Мухаммад Хайдар мирзо ҳам бирмунча йиллар Лоҳур ва Аграда Хумоюн мирзо ва Комрон мирзо саройларида яшаб, Кашмирни забт этиш олдидан йўл-йўлакка Деҳли шаҳрида бўлган.

Ҳиндистон юраги — Деҳлидан Кашмир қалби — Сринагарга парвоз қилдик. Биз Мухаммад Хайдар мирзонинг сўнгги манзили бўлган табаррук масканини излаб, Зайнулобидин мазоротида бордик. Унг томонда шох Султон Зайнулобидин онанининг беш юз йил бурун қизғиш тошдан бунёд этилган улугвор бино-мақбараси турарди. Чапрокда султон Зайнулобидин, унинг оила аъзолари, амалдорларга тегишли қабрлар ва катта-кичик сағаналар алоҳида ажратиб қўйилган. Шуларнинг чап томонида, бир оз пастроқда, Жеҳлам дарёси бўйида яна бир қанча қабр ва сағаналар иҳоталаб ажратилган майдонча шифоқимизни тортди. Сергақ қизимиз Шафтохон ям-яшил лавҳа узра эгилди "мирзо" сўзини ўқийлар билан бир қўлини қўтариб бизни чақирди. Биз ҳам ўша ёққа жадал юрдик.

Қабр узра улугвор бир тўт дарахти тарвақайлаган шохларини ёзиз турарди. Мақбара лавҳасининг узунлиги 1,5 метр, эни 80 см. келади. Бу тўртбурчак лавҳа бошида шу тўт бўлиб, одатда лавҳа бошида тикланадиган ёзуви тош тўт танасининг орқасида турар эди. Бу мақбара 1822 йили тикланган, лавҳа ва лавҳа узра тик турадиган тош орасидан бу барваста тўт ўсиб чиққанлиги маълум бўлди.

Мақбаранинг бош томонида тик турган оқ мрамарга форсий тилда, араб ёзувида қуйдаги мазмунда матн битилган:

**Шаҳидлик юртига ногора чалиб йўл олди Кўрагон шох**

**Хайдар мирзо.**

**Илоҳий қазоси шундай оқ берди.**

**Ўлими тарихи: "Илоҳий қазо".**

Бу қабр тоши бир инглиз сайёҳи капитан Вильям Моркрафт ҳиммати билан барпо этилган. Мақбара ёзувида Мухаммад Хайдар мирзо ҳаёти ва фаолиятининг ихчам мазмуни ифодаланган.

Шоҳ ва олим Мухаммад Хайдарнинг салкам 11 йиллик фаолияти ва Кашмир тарихини ўрганиш мақсадида «Археология ва қадимий Кашмир тарихи» музейига бориб, тарихий манбалар, ёдгорликлар, Бобур ва бобурийлар, шунингдек, Мирзо Хайдар

ҳақида тарихий мажмуа тузилган экан. Бунда Бобурнинг "Бобурнома", Абул Фазл Алломийнинг "Ақбарнома", Низомиддин Аҳмаднинг "Табақоти Ақбарий", Ориф Қандаҳорийнинг "Тарихи алфий" ва бошқа китоблардан тегишли матнлар жамланган.

Дарҳақиқат, ушбу китобдан Хайдар мирзонинг ҳукмдорлик даврига оид жуда кўп маълумотларга эга бўлдик. Айниқса Назир Аҳмаднинг совғаси — "Тарихи Хассан" китоби биз учун чинакам қўмус каби фойда асқотди. Ундан жуда кўп ва қимматли маълумотлар топа олдик: чунончи, Кашмир бинокорлиги соҳасидаги Мухаммад Хайдар мирзо хизматига тўхталсак. Кашмирликлар қадимда асосан тошдан иморат ясаб келишган. Урта асрларга келиб бу аънанадан улар воз кечишган. Чунки кучли элзилалар юз минглаб қурбонларини олиб кетган. Улар ноилоҳ уйларни ёғочдан кура бошлашган. Мухаммад Хайдар мирзо уларнинг кўп иморатлари ёғочдан ва кўп қаватли эканлигини "Тарихи Рашидий"да қайд этган. Бироқ бу иморатлар олдига дош бермаганликлари туфайли яна эл ишончлини оқламаган. Енгилар катта талафотлар етказган. Мухаммад Хайдар кўрсатмасига биноан тош, туپроқ ва ёғочдан фойдаланиб, фалокатларга чидамли уйлар кура бошлашган. Бу ҳол бутун Кашмирга расм бўлган. Мусика, қўшиқчилик санъати, илмфан тараққийоти ҳам Хайдар мирзо катта ҳисса қўшган. Кашмирда йирик режалли бог-роғларга асос солган ҳукмдор Мухаммад Хайдар мирзо бўлиб ҳисобланар экан.

Кашмирдаги Боғи Зафар, Боғи Баҳороро сингари боғларнинг бунёдқори ҳам Мухаммад Хайдар эканини у ердаги халқ яхши билар экан. "Тарихи Хассан"дан олинган маълумотларда Бобурий (китобда эски одат бўйича Мўғулия деб хато ёзилган) шохлар даврида Кашмир далалари, қўл соҳиллари, Бҳат дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб ўнлаб йирик, сўлим боғлар бунёд этила бошланган. Кашмир жаннатдан бир намунадир, деган ибора ана шу даврга тўғри келар экан:

"Тарихи Хассан" китобидоги «Пашминаи Кашмир» бобидо (355-бет) келтирилишича, Мирзо Хайдар замонида унинг дастурхончиси қўнлик Назғеб (Назарбек) бир шол матонни ҳукмдорга ҳадя қиларди. Мирзо Хайдар буйруғига кўра дастурхончи шу матондан кўп микдорда тайёрлашга бюртма олади. Иш устидоги бир шогирдини негадир уриб бурунни қонатади ва тўқилаётган ишга томган қон мато рангини яхшилаш фикрини уйғотди. Шундан сўнг матони хар хил рангларга бўяш бошланади. Бу бўлган матолар бутун Кашмир ва Европада, Россиягача шухрат қозонади.

Мухаммад Хайдар ҳукмронлиги даврида Кашмир эли либоси, иморатлари бирмунча янгиланди. Ушбу қисқагина маълумотлар Мухаммад Хайдар мирзонинг Кашмирдаги салкам ўн бир йиллик жанг-жадал ичида ҳам йирик бунёдкорлик ишларига вақт ва куч топа олганидан дарак беради.

"Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган атоқли олим Аннет Сюзен Бовержи "Бобурнома" бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир - деб ёзган эди. Айни вақтда адиб Мухаммад Хайдар мирзонинг хотиранавислигидаги маҳоратига тан бериб, «Мухаммад Хайдар мирзо мемуар ёзишда Бобурга рақобатчидир» - деган фикри ҳам бежиз эмас, албатта.

Мухаммад Хайдар мирзога 1822 йили қўйилган мақбарга вақт ўз таъсиридан кўрсатган ва харобага айланган. Биз мана шу мақбара ўрнига Кашмир подшоҳи, машҳур муаррих ва шоир — тошкентлик Мирзо Хайдарга хизмати ва шон-шухратига яраша ёдгорлик мақбара тикланишини оруз қилиб, бу азиз жойнинг зиёратгоҳа айланишига умид билдириб қайтиб келдик.

**Зокирхон МАШРАБОВ**

**Бобур номи жамоат фондининг раиси, экспедиция раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ваҳоб РАҲМОНОВ**

**экспедиция аъзоси, филология фанлар номзоди**

Мухаммад Хайдар мирзонинг ҳукмдорлик даврига оид жуда кўп маълумотларга эга бўлдик. Айниқса Назир Аҳмаднинг совғаси — "Тарихи Хассан" китоби биз учун чинакам қўмус каби фойда асқотди. Ундан жуда кўп ва қимматли маълумотлар топа олдик: чунончи, Кашмир бинокорлиги соҳасидаги Мухаммад Хайдар мирзо хизматига тўхталсак. Кашмирликлар қадимда асосан тошдан иморат ясаб келишган. Урта асрларга келиб бу аънанадан улар воз кечишган. Чунки кучли элзилалар юз минглаб қурбонларини олиб кетган. Улар ноилоҳ уйларни ёғочдан кура бошлашган. Мухаммад Хайдар мирзо уларнинг кўп иморатлари ёғочдан ва кўп қаватли эканлигини "Тарихи Рашидий"да қайд этган. Бироқ бу иморатлар олдига дош бермаганликлари туфайли яна эл ишончлини оқламаган. Енгилар катта талафотлар етказган. Мухаммад Хайдар кўрсатмасига биноан тош, туپроқ ва ёғочдан фойдаланиб, фалокатларга чидамли уйлар кура бошлашган. Бу ҳол бутун Кашмирга расм бўлган. Мусика, қўшиқчилик санъати, илмфан тараққийоти ҳам Хайдар мирзо катта ҳисса қўшган. Кашмирда йирик режалли бог-роғларга асос солган ҳукмдор Мухаммад Хайдар мирзо бўлиб ҳисобланар экан.

Кашмирдаги Боғи Зафар, Боғи Баҳороро сингари боғларнинг бунёдқори ҳам Мухаммад Хайдар эканини у ердаги халқ яхши билар экан. "Тарихи Хассан"дан олинган маълумотларда Бобурий (китобда эски одат бўйича Мўғулия деб хато ёзилган) шохлар даврида Кашмир далалари, қўл соҳиллари, Бҳат дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб ўнлаб йирик, сўлим боғлар бунёд этила бошланган. Кашмир жаннатдан бир намунадир, деган ибора ана шу даврга тўғри келар экан:

"Тарихи Хассан" китобидоги «Пашминаи Кашмир» бобидо (355-бет) келтирилишича, Мирзо Хайдар замонида унинг дастурхончиси қўнлик Назғеб (Назарбек) бир шол матонни ҳукмдорга ҳадя қиларди. Мирзо Хайдар буйруғига кўра дастурхончи шу матондан кўп микдорда тайёрлашга бюртма олади. Иш устидоги бир шогирдини негадир уриб бурунни қонатади ва тўқилаётган ишга томган қон мато рангини яхшилаш фикрини уйғотди. Шундан сўнг матони хар хил рангларга бўяш бошланади. Бу бўлган матолар бутун Кашмир ва Европада, Россиягача шухрат қозонади.

Мухаммад Хайдар ҳукмронлиги даврида Кашмир эли либоси, иморатлари бирмунча янгиланди. Ушбу қисқагина маълумотлар Мухаммад Хайдар мирзонинг Кашмирдаги салкам ўн бир йиллик жанг-жадал ичида ҳам йирик бунёдкорлик ишларига вақт ва куч топа олганидан дарак беради.

"Бобурнома"ни инглиз тилига таржима қилган атоқли олим Аннет Сюзен Бовержи "Бобурнома" бутун тарихда яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир - деб ёзган эди. Айни вақтда адиб Мухаммад Хайдар мирзонинг хотиранавислигидаги маҳоратига тан бериб, «Мухаммад Хайдар мирзо мемуар ёзишда Бобурга рақобатчидир» - деган фикри ҳам бежиз эмас, албатта.

Мухаммад Хайдар мирзога 1822 йили қўйилган мақбарга вақт ўз таъсиридан кўрсатган ва харобага айланган. Биз мана шу мақбара ўрнига Кашмир подшоҳи, машҳур муаррих ва шоир — тошкентлик Мирзо Хайдарга хизмати ва шон-шухратига яраша ёдгорлик мақбара тикланишини оруз қилиб, бу азиз жойнинг зиёратгоҳа айланишига умид билдириб қайтиб келдик.

**Зокирхон МАШРАБОВ**

**Бобур номи жамоат фондининг раиси, экспедиция раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ваҳоб РАҲМОНОВ**

**экспедиция аъзоси, филология фанлар номзоди**

## ОБУНА-2012

**Миллий матбуот марказида босма ОАВларини аҳолига арзон ва тез етказиб бериш борасида белги-ланган чора-тадбирлар, муаммо ва ечимларга бағиш-ланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбар ходимлари, нашрларни тарқатиш бўйича ҳамкорлар ва журналистлар иштирок этди.**

## "Матбуот тарқатувчи" АК: Тез, арзон, қулай

— Муштарийлар аудиториясини кенгайтириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида республикада чоп этиладиган вақтлик матбуот нашрларига 2012 йил учун обуна ушотириш ишлари шу йилнинг 5 сентябридан бошланди, - деди "Матбуот тарқатувчи" АК директори Сувон Нажибидинов. — Бундан ташқари, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида янги дизайндо обуна каталоги ишлаб чиқилди. Унга 500 дан ортиқ марказий вақтлик матбуот нашрлари ҳамда китоблар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Яна бир қулайлик томони шундаки, мижозлар компания веб-сайти орқали ҳам ушбу каталог билан танишишлари ҳамда даврий нашрларга интернет орқали обуна бўлишлари мумкин.

Республикада ва хорижий давлатларнинг вақтлик матбуот нашрларига обуна қабул қилиш ишлари газета ва журнал таҳририятлари билан шартнома тузиш орқали бошланди. Келиб тушган хатлар ва шартномалар асосида оdatдагидек келгуси йилги нашрларнинг обуна нархлари киритилган обуна каталоги тузилди. Энди обуна ушбу каталогдаги нархлар асосида қабул қилинади. Тузилган шартномаларга кўра, матбуот нашрлари "Шарқ" НМАК, "Ўзбекистон" НМИУ билан газета журналларни экспедиция қилиш ва "Халқаро почта" филиали билан Республика вилоятларига самолёт, темир йўл ҳамда автомобилларда етказиб берилади. Обунани расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича устамалар ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ даврий нашрларни вилоят марказларига етказиш тарифлари ўтган йил микдоридо сақлаб қолинди ва айрим нашрларнинг баҳосини камайтириш имкони яратилди. Масалан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар учун мўлжалланган нашрларга имтиёзлар қўланилганлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, компания ўзининг махсус "Матбуот" дўканларига эга. Мижозлар бу ерда обунани расмийлаштириш имконига эгалар.

Адибахон ФАЙРАТ қизи, "Milliy tiklanish" мухбири

Бу тоғли масканда тошга байт ва сўзларни ўйиб битиш оdatдир".

Экспедиция аъзолари ушбу "Бобур тоши" деган номда шухрат қозонган тошни излаб, Озаҳ ва Шуўро булоқларини бориб кўрдик. Шуерлик қишлоқ Саъдий Шерозий "Бўсто-

# ЖАРАЁН

# Адвокатура

● ФАОЛИЯТ

## Иш билганга минг танга

*Самарқанд туманидаги "Пласт полимер" масъуляти чекланган жамияти мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесга яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлар сирасига киради.*

Жамият раҳбари Фурқат ақанинг асли касби иқтисодчи, шу боисдан ишлаб топилган маблағни ўз ўрнида ва самарали йўналтира олади. Корхона ўз фаолиятини 2008 йилда турли ҳажмдаги пластмасса яшиқлар ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Соҳани қўллаб-қувватлаш, турли имтиёзлар яратилиши жамият аҳли имкониятларига кенг йўл очди. Дастлаб, бир-икки хил ҳажмдаги пластмасса яшиқлар ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда маҳсулот тури 15 хилдан ошиб кетди. Бундан ташқари, хўжалик моллари маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Корхонани техник модернизациялаш мақсадида Хитойда ишлаб чиқарилган учта технологик ускуна келтириб ўрнатилди. Ҳар соҳада бўлгани каби тадбиркорликда ҳам янгилик яратиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади. Жамият раҳбари Фурқат Зиёев ишнинг кўзини билганлиги сабабли, ҳудудда биринчилардан бўлиб болалар учун турли хил ўйинчоқлар, ҳар хил кўринишдаги автомашиналар ишлаб чиқариш зарур эканлигини билгач, шу йўналишда маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган линияларни келтирди. Ҳозир эса бозорбоп ана шу маҳсулотлар корхонада ишлаб чиқарилмоқда. Натijaда жамият маҳсулотларига хандорлар сони ортиб, иқтисодий имкониятлари кенгайиб бормоқда.

— Жамиятимиз фаолиятининг асосий мақсади истеъмол бозорини маҳсулотлар ва хизматлар билан таъминлаш, олинган даромадлар эвазига ишчи-ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг қизиқишларини оширишдан иборатдир, — дейди жамият раиси Фурқат Зиёев. — Фаолиятимизнинг биринчи кунлариданоқ асосий эътиборни ҳудуддаги микрофирмалар, жамиятлар ва корхоналар билан аҳолини мухтажамлашга қаратдик. Чунки бозор иқтисодиёти талабларидан бири ҳам шуни тақозо этади. Жамият томонидан ишчи ҳодимлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳодимлар уч маҳал овақат билан таъминланади. Улар учун алоҳида ётоқхона, тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Жамият аъзолари кўплаб янги режалар асосида иш олиб боришни мақсад қилишган. Улар доимо халқимиз фаровонлиги учун кенг имкониятлар яратишга астойдил интилишади.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

● ҚОНУН ВА ИЖРО

## Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларга, энг аввало, БМТнинг олтинчи асосий халқаро шартномаларига қўшилди.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқлари оид қонун ҳужжатлари тизими шаклланган бўлиб, у шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунларни ўз ичига олади. Ин-

сон ҳуқуқлари оид қонун ҳужжатларининг асоси ва пойдеворини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Ўзбекистон халқини 130 дан зиёд этник гуруҳ вакиллари ташкил этади. Конституция фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этниги, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун ва суд олдида ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглигини кафолатлайди.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари муқаддасдир. Бу жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилоти БМТ томонидан эътироф этилган.

Яшаш ҳуқуқи — энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир", деб кўрсатилган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси 1-бандида "Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза этилади. Ҳеч ким ўзбошимчилик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди" дейилган.

Республикамиз мазкур халқаро ҳужжатларни эътироф этган ҳолда ўз Конституциясида ушбу қондаларни мустаҳкамлади. Конституцияимизнинг 24-моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", деб белгиланган.

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

*Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан махсус почта маркалари туркуми ҳамда махсус сўндириш тамғасининг тақдирот маросими ўтказилди. Ушбу янги почта маркаларини Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жорий йилнинг 29 августидан почта муомаласига киритди. Уларда, асосан, мустақиллик даврида қўрилган замонавий архитектура бинолари, иншоот ва тарихий обидалар, sanoat ва машинасозлик, иқтисод, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасига оид жараёнлар тасвирланган.*

## Янги почта маркаси

ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

"Тошкент почтамати" биносида бўлиб ўтган янги почта маркалари ва махсус хотира тамғасини сўндириш маросими чоғида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳиддинов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директори Р.Қосимов, "Матбуот тарқатувчи" АК Бош директори С.Нажбиддинов, фелиателлистар уюшмаси раиси Э.Ҳамидов, шунинг-

дек, хорижлик фелиателлистар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Почта маркалари ва купон бир неча рангда ишланган бўлиб, оралиқ купонда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги логотипи тасвирланган. Туркум 52 почта маркасидан иборат бўлиб, 26 та купонли занжир кўринишида тайёрланган. Махсус хотира тамға-

● КЎРГАЗМА

## "Ўзбекистон тасвирий санъати"

*Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган кўргазмага ана шундай ном берилди. Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган кўргазмадан йирик санъат намоёналарининг рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик асарлари ўрин олган.*

В.Ковчинининг "Бозор" номли асарини кузатарканмиз, унда ўзбек деҳқон аёлининг характери ёрқин рангларда ёритилганга гувоҳ бўлаемиз. Халқимизга хос самимийлик аёл образида ифодаланган. Бозорларимизнинг тўқинлиги, ўлкамизнинг неъматларга бойлиги, шарқоний бозор маданияти

ушбу асарда алоҳида тасвирланган. Кўп фигурали картинада бир неча характер очиб берилган.

Бундан ташқари, академизмдан то классик модернизмгача бўлган турли йўналишларни ўзида акс эттирган ишларни П.Беньков, Р.Аҳмедов, О.Татевосьян, Ў.Тансиқбоев, Н.Кашина, Н.Қарахан, А.Абдуллаев, Ч.Ахмаров, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, А.Ибрагимов, А.Нуриддинов каби рассомларнинг асарларида кузатишимиз мумкин.

Шу билан бирга авлодларнинг этномаданий мероси, анъаналарнинг асраб-авайланаётгани, ўтмиш билан бугуннинг узвий боғлиқлигини далolat беради. Масалан, А.Абдуллаевнинг "Нақош Ё.Рауфов", Р.Аҳмедовнинг "Созанда Умирзоқов портрети" асарларида халқимизнинг эстетик ва ахлоқий анъаналарининг мужассамлигини кўриш

сининг ўртасида таралаётган кўёш нурлари фониди Мустақиллик майдонидидаги Эзгулик аркасига ўрнатилган турналар шакли, унинг қуйи қисмида эса ер шари ҳамда Ўзбекистон Республикаси харитаси тасвирланган. Махсус хотира тамғасида унинг тақдироти бўлиб ўтган жой ва санаси ҳам кўрсатилган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва Австрия давлат нашриёт уйи ҳамкорлигида яратилган тилла рангли махсус почта маркаси ҳам омма эътиборига ҳавола этилди. Бу почта маркасида Халқаро симпозиумлар маркази ва миллий кутубхона биноси фониди соҳибқирон Амир Темур ҳайкали тасвирланган.

Шунингдек, тадбирда қатнашган почта ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун махсус виторина уюштирилди. Ҳодимларга совғалар топширилди. Махсус хотира тамғаси тақдиротидан сўнг тадбир иштирокчиларини "Сарвинос" ракс ансамбли ҳамда "Баркамол авлод" доирачида гуруҳи ўз чиқишлари билан хушнуд этди.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

мумкин. Ўзбекистоннинг тарихий воқеалари эса Ж.Умарбековнинг "Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаронинг болалиги", Л.Ибрагимовнинг "Бобур вафоти олдидан Андижон қовуни билан", У.Болтабоевнинг "Амир Темур" асарларида акс эттирилган. Кейинги йилларда ўзбек рассомлари турфа мавзу ва рангларда асарлар яратишмоқда. Энг муҳими, улар ўз услуб ва ижодий йўналишларига эга. Бундай ишларни, айниқса, А.Нуриддиновнинг "Кун ва тун" ҳамда Ф.Ахмадалиевнинг "Икки мадонна" асарларида яққол кўриш мумкин.

Асрлар оша давом этиб келаётган санъатимиздаги янги оқим ва йўналишларнинг тикланиши буюк келажак сари бошланган улуг қадамдир. Кўргазма октябрь ойига давом этади.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилди", деб кўрсатилиши халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Инсон ҳуқуқлари билан бирга Конституцияимизда фуқароларнинг бурчлари ҳам кўрсатилган. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Шунингдек, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муурожаати тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, фуқароларнинг муурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким билан бир муурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хоразм вилояти адлия бошқармасига инсон ҳуқуқларига оид 87 та шикоят келиб тушган. Шундан 70 таси кўриб чиқилди, 31 таси қаноатлантирилган, 15 тасига ҳуқуқий ташутириш берилган. 24 таси асоссиз деб топилган, 1 та шикоят кўрмасдан қолдирилган, 10 та шикоят тааллуқлиги бўйича юборилган.

Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг шикоятлари кўриб чиқилиб, уларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланмоқда. Жумладан, Урганч туман "Чандирқой" қишлоғида яшовчи фуқаро М.Абдуллаевнинг "Урганч туманга" филиали ходимларининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган шикояти ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, фуқаро М.Абдуллаевга хонадонидидаги газ истеъмоли учун асоссиз равишда 6609 м<sup>3</sup> қарздорлик ҳисобланган. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан асоссиз қўйилган қарздорлик "Урганч туманга" қорхонасидан олиб ташланди.

Ўрганиш қуни табиий газдан фуқаро М.Абдуллаевнинг хонадонидидаги газ ҳисоблагич бўйича 1280 м<sup>3</sup>, яъни 86400 сўм қарздорлик мавжудлиги аниқланди.

Фуқаро М.Абдуллаевга асоссиз равишда 6609 м<sup>3</sup> қарздорлик ҳисоблангани учун "Урганч туманга" қорхонаси бошлигининг буйруғига асосан назоратчи С.Панавга нисбатан ҳайфсан интизомий жаза чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, фуқаро М.Матёқубовнинг шикояти бўйича ўрганиш ўтказилди. Қўшқўпир туман "Ғулможон-Ўзбек" СФУ раҳбари Аширбой Ибрагимов мансабдор шахс бўла туриб, гаразгүйлик манфаатларини кўзлаб, 16 нафар ишчи-хизматчининг ойлик иш ҳақи берилмаганини била туриб, 2009 йил 12 декабрда иш ҳақи берилганлиги тўғрисида сохта ҳужжат тузиб, уни суд ижрочилигининг Қўшқўпир туман бўлимига тақдим этди. Ана шундай йўл билан СФУда ишловчи 16 нафар ишчи-хизматчининг жами 4,2 миллион сўм ойлик иш ҳақи берилмасдан қонун билан кўриқланадиган манфаатларига жиддий зарар етказилди.

Жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг ҳукми кўра СФУ раҳбари А.Ибрагимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбли деб топилди, бир йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларидида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан бир йил муддатга ахлоқ тузатиш жазосига тортилди.

Шикоятларни ўрганиш бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш ва айбдор шахсларга интизомий чора кўриш юзасидан жойларга 6 та тақдирнома ва 15 та кўрсатма киритилди.

Шоназар САДИҚОВ,  
Хоразм вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқлари химоя қилиш бўлимининг бош маслаҳатчиси,  
1-даражали юрист

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин адвокатура институтида туб ўзгаришлар рўй берди. Адвокатура институти мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шу билан бир қаторда асосий вазифаси ҳисобланган — фуқаролар ҳуқуқи ва эркинликларининг қонуний ҳимоясини таъминлаш устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган.*

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги қонунда 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар адвокатури институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Мазкур қонунларда адвокатлик фаолиятининг муҳим жиҳатлари — адвокатларнинг касбий дахлсизлиги ва кафолатларини таъминлашга қаратилган муҳим нормалар белгиланди. Қонунда белгиланган ушбу нормалар адвокатура институти мустақиллигини маълум даражада таъминлаши ҳамда адвокатларга касбий вазифаларини амалга оширишда кенгрок имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институти янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва судишишни юретишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдирдиш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш каби мақсад ва вазифалар белгиланди. Шунингдек, адвокатури илк бор фуқаролик жамиятининг асосий институтиларидан бири сифатида эътироф этилиб, адвокатлик қонундош шахсларнинг малакасига нисбатан қўйиладиган талабларни кучайтириш, адвокатларнинг касбга оид малакасини оширишни мунтазам равишда жорий этиш, адвокатури халол, касб маҳорати юқори мутахассислар билан таъминлаш, адвокатларнинг лицензиялаш тизимини ташкил этиш, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш, ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларни судишида иштирок этишига йўл қўймасликка қаратилган тарафлар вакиллик институтини босқичма-босқич такомиллаштириш, адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юретиш тизимини такомиллаштириш каби муҳим масалалар соҳани ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб берилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ адвокатурига берилган янги мақом, адвокатлар профессионалиги, ҳалоллиги ва жамият олдидаги масъулятини оширади. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг ташкил этилиши фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатури янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъбирлардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан амалдаги қонунчилик ва касб этикасига риоя этилиши устидан назорат қилиш имкониятини яратди.

Адвокатлар Палатаси аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш мақсадида жойларда юридик маслаҳатхоналар ташкил қилади, адвокатури-

ни такомиллаштириш масалалари билан тизимли равишда шуғулланади.

Адвокатури ҳуқуқий муассаса ҳисобланади. У адвокатлик фаолияти ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бйрлашмаларини ўз ичига олади. Ўзи фаолият юритувчи давлатнинг фуқароларига, ажнабий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, қорхона, муассаса, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда фаолият кўрсатиши мумкин ёки ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг ташкил этилиши мамлакатда кучли адвокатларнинг фаолият кўрсатишига замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридида кайд этилган қонун ҳужжатлари суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, ҳолос.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Адвокатури институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда прокурор ва адвокат тенглиги, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлаш, одил судловнинг сифат ва тежорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар ишчи олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида таъкидланганидек, мазкур қонунга мувофиқ амалдаги қонунчиликнинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, адвокатури мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўшбу Қонунга асосан ҳимоячига жиноят иштини юретишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иш процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари, ҳимоячининг ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш ва кўрилаётган ишда иштирок этиши учун ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органлардан ёзма равишда ижозат олиш каби нормалар амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликдан олиб ташланди. Эндиликда адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан берилган ордер бўлса бас.

Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, ўз ҳимоясига олган шахсга нисбатан позициясини ўзгариштиришга тасъир ўтказишга қаратилган ҳар қандай шаклдаги ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур.

Мамлакатимизда адвокатури — инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини амалга оширилишини адвокатури институти тасаввур этиб бўлмайди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатури соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳияти, мақсади, энг аввало, адвокатларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, кучли, мустақил адвокатури тизимини барпо этиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини яратишга қаратилган.

Хайрулла КЎЧҚОРОВ,  
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### БИЗНИНГ ШАРҲ



Ҳозирги кунга келиб кашфиётлар орасидаги вақт тафовути тобора қисқариб бормоқда. Утган асрдаги сингари бирор кашфиёт учун 10-20 йилни кутиб туришга ҳоҷат йўқ, ҳар куни бир янгилик навбат кутиб туради.

та плазали DPX-14 компьютери мультимедиа ахборотини, жумладан, экранда жуда юқори аниқлик билан тасвир ҳосил қилувчи видео билан ишлайди ва атиги 5 вт. энергия истеъмол қилади.

Жамият тараққиётида юз бераётган жадал ўзгаришлар барча соҳаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу таъсир шунчалик кучлики, ахборот технологияларида бўлаётган ўзгаришлар йиллар ичида эмас, балки, ойлар, кунлар ичида ўзгариб, бойиб бораётир. Ҳозирги кунга келиб кашфиётлар орасидаги вақт тафовути тобора қисқариб бормоқда. Утган асрдаги сингари бирор кашфиёт учун 20 йилни кутиб туришга ҳоҷат йўқ, ҳар куни бир янгилик навбат кутиб туради. Масалан, куни кеча япониялик олимлар дунёдаги ихчам фотоаппарат яратишди. "CLAP" аппаратининг оғирлиги 24 грамм, ўлчамлари 3,5x7x1,5 см. Техниканинг ўзига хос жиҳати, ундаги камерани магнит ёпишадиган бирор буюмга қотирасиз. Қарабсизки, камеранинг ўзи ўша жойдан туриб суратга тушираверади. Буюк Британиялик олимлар яратган принтер эса сиёҳда эмас, шоколадда ишлайди. Бошқача айтганда, фақат шоколад чқариш учун мўлжалланган. Бу янгилик қандолатчилар томонидан илиқ кутиб олинган. Принтерни ишга туширишдан аввал тасвир ва шакл ўлчамлари аниқ ишлаб чиқилади. Сўнгра принтер сиз истаган шаклда шоколад фигураларни боқичма-боқич куя бошлайди.

Информацион технологиялар замони барча соҳалардаги ихтиро ва кашфиётларнинг содир бўлиш муддатини қисқартирди, уларни жамият орасида кенг қўламда ишлатилишини таъминлади. Натижада электроника техникасининг ютуқлари инсон фаолиятининг деярли ҳамма соҳаларида — халқхўжалигини бошқариш, саноят, тиббиёт, инсон ҳаёти ва фаолиятининг кўпгина соҳаларида қўлланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, электрон техника воситалари кенг қўламда асбоб ва қурилмаларнинг ажралмас қисмига айланган. Энди хоҳлаймизми-йўқми тезкор ахборот ва тараққиёт билан баҳамқадам бўлишимиз, уни ўқиб ўрганишимиз лозим.

**Бехбуд БОТИРОВ,**  
«Milliy tiklanish»  
шарҳловчиси

### Ходимлар янада камаяди

**АҚШ банки ходимларининг сони 30 мингга қисқаради.**  
Хабарларга кўра, Америка банки келаси бир неча йил давомида ходимлари сонини 30 мингга қисқартиришни режалаштирган. Бундан мақсад йилига беш миллиард доллар маблағ тежашдан иборат. Жорий йилда банк олти минг нафар ходимни ишдан бўшатган. Америка банкининг мазкур эълони мамлакат президенти Барак Обаманинг ишсизлар сонини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган 447 миллиард долларлик янги иш ўринлари яратиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Конгрессга тақдим қилган пайтга тўғри келган.

### Станция қуввати оширилади

**Эронда АЭС фойдаланишга топширилди.**  
Мамлакатнинг Бушеҳр шаҳрида қурилган атом электр станцияси фойдаланишга топширилган. Хабарларга қараганда, ушбу станция ҳозирча 350-400 мегаватт электр қуввати ишлаб чиқаради. Станция тўла қувват билан ишга тушганида 1000 мегаваттлик қувват беради. Эслатиб ўтамиз, Бушеҳр атом электр станцияси россиялик мутахассислар кўмагида барпо этилган.

### Шубҳали мактуб Интернет-кафедан юборилган

**Кашмирдаги Интернет-кафе эгаси Дехли портлашлари алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинган.**

Хабарларга кўра, бомбани радикал «Харакатул Жиход ал-Исломи» гуруҳи ўрнатгани даъво қилинган электрон мактуб ушбу Интернет-кафедан юборилгани аниқланган. Полиция тарқатган маълумотларга қараганда, мазкур гуруҳ бундан олдин Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешда уюштирилган ҳужумлар учун айбланган. Интернет-кафе эгаси Махмуд Азизнинг полицияга берган маълумотига кўра, у Интернет-кафедан фойдаланаётган миждозларни қайд этиб бормаган. Эслатиб ўтамиз, 7 сентябрь кунги портлаш пойтахт Дехлидаги Олий маҳкама биноси ташқарисида юз берган. Оқибатда 12 нафар одам ҳалок бўлган, 76 киши яраланган. Шу йилнинг июнь ойида Дехлидаги худди шу маҳкама бинolari ташқарисида машинага ўрнатилган бомба портлатилган.

Хабарларга кўра, бомбани радикал «Харакатул Жиход ал-Исломи» гуруҳи ўрнатгани даъво қилинган электрон мактуб ушбу Интернет-кафедан юборилгани аниқланган. Полиция тарқатган маълумотларга қараганда, мазкур гуруҳ бундан олдин Ҳиндистон, Покистон ва Бангладешда уюштирилган ҳужумлар учун айбланган. Интернет-кафе эгаси Махмуд Азизнинг полицияга берган маълумотига кўра, у Интернет-кафедан фойдаланаётган миждозларни қайд этиб бормаган. Эслатиб ўтамиз, 7 сентябрь кунги портлаш пойтахт Дехлидаги Олий маҳкама биноси ташқарисида юз берган. Оқибатда 12 нафар одам ҳалок бўлган, 76 киши яраланган. Шу йилнинг июнь ойида Дехлидаги худди шу маҳкама бинolari ташқарисида машинага ўрнатилган бомба портлатилган.

### Касални яширсанг...

**Россиянинг Оренбург вилоятида ўттиздан зиёд одам куйдирги касалига чалинган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС.**

Беморларнинг қарийб 10 нафари оғир аҳволда, уч киши ҳаётдан кўз юмган. Хабарларга қараганда, вирус «Дарин» ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонадан тарқалган. Корхона ходимларининг айтишича, у ерда боқилаётган йилки ва қорамолда куйдирги вируси аниқланган, лекин мутасаддилар бунни сир сақлашни афзал кўрган.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## Электроника замони

**ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНМОҚДА. ЭНДИ ТЕЗКОР АХБОРОТ ВА ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИШ, ЎРГАНИШ ВА ТАДҚИҚ ЭТИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ**

**XX асрнинг иккинчи ярмида электрониканинг ривожланиши янги ахборот технологиялари асосида дунё иқтисодиётининг сифат ўзгаришига олиб келди. Электроника замони янада шиддаткор бўлишига туртки бериб, одамларни янгиликлар сари интилиш, тезкор ахборот алмашишни таъминлади. Ҳозирги кунда дунёдаги энг йирик компаниялар бир-биридан чиройли, арзон ва ҳар томонлама қулай бўлган бежирим, ихчам маҳсулотларни таклиф этмоқда. Бу эса мамлакатлар иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётининг асосий омилга, «учқур самани»га айланди.**

Энг аввало юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт таъминлаётганини кўриш мумкин. Ва улар орасида ахборот технологиялари ҳамда ярим ўтказгичли электроника юқори ўринларни эгаллайди.

Электроника — дунёдаги энг тезкор тармоқ ва кўпгина мамлакатлар учун стратегик соҳага айланган. Бу борада айрим муҳим маълумотларни келтириш жоиз: йиллик ўртача ўсиш суръати 7 фоиздан ортиқ бўлиб, электроника билан боғлиқ саноят тармоқлари 15 трлн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, электроника санюати рентабеллиги 40 фоиз бўлиб, соҳага ажратиладиган сармояларнинг дунё бўйича ўртача қайтиш муддати жуда қисқа — атиги 2-3 йил. Унинг ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан 3 баравар юқори. Электроникадаги 1 нафар ишчи ўрни бошқа соҳаларда 4 нафарни ташкил этади. 1 кг. микроэлектроника қиймати 110 тонна нефть баҳосига, яъни қарийб 50 минг долларга тенг!

АҚШ ва Канадада аҳоли жон бошига электроника ишлаб чиқариш 1200 доллардан иборат. Яримўтказгичли электрон компонентлар ҳажми бўйича жаҳон бозорлари қуйидагича тақсимланган. Булар — АҚШ, Япония, Осиё (асосан жануби-шарқий

Осиё) ва Европа давлатларидир. Аини пайтда электроника ишлаб чиқариш қўлами Фарбий Европадан Шарқий Европага ўтмоқда. 2004 йилда Фарбий Европада электроника санюати маҳсулоти ҳажми 20 млрд. доллар эди, бу кўрсаткич Шарқий Европада 14,8 млрд долларни ташкил этган. 2005 йилда эса Европа гарбида 32 млрд., шарқий қисмида эса 53 млрд. долларлик электроника маҳсулотлари тайёрланди!

Жаҳон айвонида электроника соҳасида японлардек тадбиркор, ишбилармон халқни топиб бўлмас. Зеро, жаҳонга машхур Sony, Panasonic каби йирик компаниялар томонидан ишлаб чиқарилаётган робот техникаси, маиший техника ва оптика, рангли телевизор, видео техника, магнитофон ва кондиционерлар дунё бозорларини забт этишган.

Дунёда биринчи микропроцессор Intel компанияси томонидан бундан қарийб 40 йил олдин ишлаб чиқарилган. 4004 номи берилган бу машхур «тўнғич фарзанд» Intelнинг муассислари Гордон Мур ҳамда Боб Найсоннинг ижод маҳсули эди. Ўша дамлар янги — ахборот технологиялари мутлақ ҳукмронлик қиладиган замонанинг ибтидоси бўлган. Айнаан ўша йилларда ҳозирги микро-

процессор технологияларининг тамал тоши қўйилган. Орада кўп сувлар оқиб кетди. Энди компьютер технологиялари тижоратда ҳам, турмушда ҳам, ишда ҳам — ҳамма жойда энг зарур ва муҳим мезонга, омилга айланди. Алоқанинг, ёзувнинг, мультимедиа ахборотларини ишлаш ва қайта тиклашнинг рақамли системалари пайдо бўлди. Интернет глобал тармоғи ва бошқа нарсалар оддий кундалик ҳодисага айланди. Бу каби воқеаликни илгарилари фақат фантастик асарлардагина ўқиш мумкин эди.

Биринчи компьютер жуда катта залга аранг жойлаштирилган. 2000-йиллар бошидаги компьютер 20x40x40 см.ли эди. Орадан атиги 5-6 йил ўтиб унинг ташқи ўлчамлари яна икки баравар қисқарди. Densitron Technologies фирмасининг бит-

### ЭНГ ЙИРИК КАШФИЁТЛАР

Бир гуруҳ мутахассислар инсониятнинг турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборган сўнги 25 йил ичидаги энг йирик ва муҳим кашфиётлар рўйхатини тузиб чиқишди. Улар қуйидагилар: **1.** Симсиз технологиялар. **2.** Мудофаа технологияси. **3.** Муқобил энергия билан ишловчи двигателлар. **4.** Биотехнологиялар. **5.** Компьютер. **6.** Лазер. **7.** Генлар устида олиб борилган тадқиқотлар. **8.** Глобал молиявий тизимлар. **9.** Процессорлар ва компьютер чиплари. **10.** Рақамли қурилмалар. **11.** Коинот тадқиқотлари. **12.** Оптик тола. **13.** Йўлдошли телевидение ва радио. **14.** ДНК таҳлили. **15.** Видеоўйинлар. **16.** Биометрика. **17.** Электр ва сувўтказгич технологиялар. **18.** Сканерли микроскоп. **19.** Батарейкалар. **20.** Спамлар ва компьютер вирусига қарши курашувчи технологиялар.

### РАНГИН ДУНЁ

**Миллий либос инсоннинг кўрки ҳисобланади. Гап миллий либослар, уларнинг бугунги кундаги ўрни ҳақида бораркан, асрлар давомида сақланиб келаётган, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлган либослар, тўғривоғи, жаҳон халқларининг миллий либослари ҳақида тўхталишни жоиз топдик.**

Озарбойжон халқ либослари мисолида шуни айтиш мумкин, XIX-XX асрларда урфга кирган эркаклар кийими бироз ўзгариш киритилганига қарамай, ҳануз ўзининг дастлабки кўринишини йўқотмаган. Айниқса, кенг шим, «архалук» деб номланган атлас кўйлакни озарбойжонлик эркаклар ҳозир ҳам байрам ва тўйларда кийиб туришади. Аёллари эса ўзгача дид ва камалак рангларга бой кийимларни севиб кийишади. Озарбойжон халқининг оёқ кийими ҳам ўз тарихига эга. Авваллари фақат кўлда тикилган ва тўқилган бошмоқлар кийилган.

Вьетнамликларнинг миллий кийимлари ҳам ўзининг ўзгачалиги ва оддийлиги билан ажралиб туради. Уларнинг «Аобаба» деб номланган «ипак лижама»-си бугунги кунга келиб кўпчи-

лик вьетнамликларнинг кунда кийиладиган қулай кийимларидан бири саналади. Неча йиллар давомида урф бўлиб келаётган бу либос, замонавий ва турфа нақшлар билан безатилди. Вьетнамликларнинг «Аодаи» («узун халат») номли либоси асосан аёллар кийими ҳисобланади. Бу кийим 1700 йили Вьетнамда ниҳоятда машхур бўлиб кетади. Ҳатто, бу либос Хитой империяси таъсир остида ривожланган Кинг салтанати киборларининг сеvimли либосига айланиб қолади. 1930 йилда вьетнамлик модельер Кат Тоунг (французларга жаноб Ле Мур номи билан таниш бўлган) ушбу кийимга бироз янгилик киритади. Қарабсизки, қадимги шоҳона либос ҳозирги вьетнамлик келинларнинг қўйлагига айлана-

## Миллий либослар

**ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИ**



ди. Шунингдек, бу либосни на-фақат миллий байрамларда, балки турли маросим ва тадбирларда кийиш аънаанага айланган.

Маълумки, Ҳиндистон, Поки-

стон, Непал, Шри-Ланка, Бангладеш ҳатто Мальдивда ҳам «сари» аёлларнинг миллий либоси ҳисобланади. «Сари» — чок-сиз, белдан елкага қараб ўраладиган мато бўлиб, у 4 метрдан 9

метр узунликда бўлади. Аслида «сари»нинг турлари жуда кўп. Франциялик мутахассис Шантал Буланже бу матони бир неча табақаларга ажратиб чиққан. Масалан, «сари»нинг — «ниви»

турини илк бор Тамилнадада кийиш урф бўлган. Кейинчалик эса сарининг Гулжарат, Махарашира, Кодагу ва Мадисаара турлари яратилган. Улар турли ранг ва нақшкор жилоси билан бир-биридан фарқ қилган. Бугун «сари» Ҳиндистон аёлларининг ҳам миллий, ҳам шоҳона ҳам кундалик ҳаётда кийиладиган кийими ҳисобланади.

Бошқа маданиятлар сингари Хитойда ҳам авваллари кийим инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берган. Айниқса, «Мао» номи билан машхур бўлган либос хитойликлар тарихида муҳим аҳамият касб этади. 1644 йили Манчур-Кинг хукмдори Хитойни забт этганидан сўнг, аҳоли учун кийиниш қоидаларини ўрнатади. Унга кўра, император саройи мулозимлари аждарҳу тасвири туширилган кийимлар кийиши лозим бўлган. Кейинчалик Квианлонг императорлиги даври-

да «чангий» ва «чений» кийим тури урфга қиради. Ана шу либосларни бугунги кунда хитойлик аёллар кундалик ҳаётда ва миллий байрамда севиб кийишади.

Кореяликларнинг миллий либоси эса «ханбок» деб номланади. У ажойиб дизайнга эга бўлиб, узун юбка ва кофта кўринишига эга. «Ханбок» аёлларни ниҳоят жозибдор ва гўзал қилиб кўрсатади. Ҳатто, айрим вақтларда буйи паст одам ушбу либосни кийиши анча баланд бўлиб кўриниши мумкин. Ма-тодаги ранглар жилоси ва гулларнинг уйғунлиги йиллар давомида ўзгаришсиз қолган. 70-йилларда «ханбок» модадан ортда қолгани боис, корей аёллари фарб услубида кийи-нишга кўпроқ эътибор қаратишади. Бирок, 1996 йилдан бош-лаб унутилаёзган миллий либосларга қайтадан жон бағиш-ланади. Либосга замонавий тус бериш мақсадида бир қанча танловлар ҳам ўтказилди. Аъна-на унут бўлиб кетмаслиги учун мамлакатда ҳар ойнинг бирин-чи шанбаси «ханбок кийилган кун» дея эълон қилинган.

**Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**  
«Milliy tiklanish» муҳбири

**МАДАНИЯТ  
ХАБАРЛАРИ**

**Буюк ипак  
йўли наволари**

Тошкент Фотосуратчилар уйида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган фотокўргазма очилди.

Мазкур кўргазмадан Аргентина, АКШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Исроил, Италия, Озарбойжон, Эрон, Канада, Португалия, Хитой, Корея, Малайзия, Россия, Руминия, Украина, Франциялик фоторассом ва фотоҳаваскорларнинг 300 га яқин фотосуратлари жой олган. Хорижлик муаллифлар ўз асарларида юртимизда қайта тикланаётган ва таъмирдан чиқарилган меъморий ёдгорликларни акс эттиришган. Шунингдек, фотолавларда мустақил диёримизнинг бугунги ҳаёти, одамлари, миллий анъана ва урф-одатларимиз ҳам ўз тажассумини топган. Шу кунни Халқаро маданият карвонсаройи қошида ташкил этилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шукр Гофуров бошчилигидаги классик вокал курси тингловчиларининг "Буюк ипак йўли наволари" номли ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Унда ўзбек, япон, рус ва италян тилларида қўшиқлар куйланди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**Қорақалпоқ  
хунармандлари**

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан "Қорақалпоқ миллий либослари ва хунармандлари" Республика кўриги ўтказилди.

Унда қорақалпоқ аёлларининг миллий кийимлари, тақинчоқ буюмлари, кўғирчоқозлик, каштачилик, чолғу асбоблари санъати ва бошқа хунармандчилик намуналари намойиш этилди. Тадбир якунида "Қорақалпоқ миллий либослари", "Чолғу асбоблари", "Кўғирчоқ ва эсдалик буюмлари", "Каштачилик санъати", "Гиламдўзлик", "Энг яхши хунарманд", "Энг яхши дизайн" ҳамда "Устоз хунарманд" номинациялари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Мухтасархон  
КАРИМОВА

**КЎЗГҮ**

**ЯНГИ МУЗЕЙ**

**"Мўъжизалар олами" да**

**БОЛАЖОНЛАР ҚАДИМГИ ДАВРГА ТУШИБ ҚОЛИШ ИМКОНИГА ЭГАЛАР**

*Мустақиллик дилим гурури,  
Мустақиллик кўзларим нури...*

*Эғнидаги адрас либосини ҳаммага кўз-кўз қилиб юқоридаги сатрларни такрорлаб қўшиқ куйлаётган қизалоққа қараб ҳавасин келди. Тинч ва мустақил ватанимизда вояга етмаётган болажонларга қўшиқ куйлаш қанчалар ярашади.*

"Энг улуг, энг азиз" байраимиз муносабати билан турли тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган. Хар бир ташкилот, ўзини шу юртга дахлдор деб ҳисоблаган инсон қутлуг тўйга тўёна билан келди. Болажонлар эса байрамларда ўйин-кулгуг қилиб кўзни қувнатмоқдалар. ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, "Жайхун" кўғирчоқ театри ҳамкорликда болажонлар учун музей кўзни қувнатмоқдалар. ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, "Жайхун" кўғирчоқ театри ҳамкорликда болажонлар учун музей кўзни қувнатмоқдалар.

Хозирги кунда ёш авлод тарбиясида музейлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабаб XX аср бошларидан бугун дунёда болажон музейини ташкил этиш ишлари бошланган. Кейинги йилларда болажон музейининг турлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда. ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида очилган махсус музей болажонларни инсоният тарихи ва табиатга бўлган қизиқишини орттириди. Болажонларни кичик ёшдан бошлаб дунёқарабини шакллантириб, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятини яратди.

Музейда "Ёш археологлар", "Ёш кулол", "Ёзув тарихи" ва "Ўзбекистон неъматлари" бўлими мавжуд. Масалан, "Ёш археологлар" бўлимида болажонлар археологияга оид материалларни кўришлари мумкин. Энг қизиқ томони, кичкинтойлар тарихнинг қадимги даврларига саёҳат қилиш имконига эга бўладилар. Қадимий тангаларни излаб топишлари, тангадаги ҳукмдор номи ва даврини аниқлаш, аждодларимиз фойдаланган энг қадимги меҳнат қуролларини ушлаб кўришлари ва ўрганишлари мумкин. Бунда болажонлар тош, бронза, антик ва ўрта асрлардаги тарихимиз ҳақида ҳам маълумотларга эга бўладилар.

"Ёш кулол" бўлимида эса ўзлари мустақил равишда уста кулол ёрдамида истаган буюмларини яшас имкониятига эгалар.

Бизга маълумки, қадимги римликлар рақамларни тасвирлаш учун харфлардан фойдаланишган. "Ёзув тарихи" бўлими қадимий ёзув турларига қизиқиш билан болажонлар учун маҳорат мактабини ўтади. Болажонлар оромий, сўғд, грек, араб ва бошқа ёзувлар билан танишишлари, ўзлари ҳам ушбу ёзувларни ёзиб кўришлари мумкин.

"Ўзбекистон неъматлари"



бўлимида эса юртимизнинг бой табиати, ноз-неъматлари ва сабазавотлари ҳақида тўлиқ маълумот оладилар. Пахта, пилла, маккажўҳори ва бошқа дала экинлари, улардан олинган маҳсулотлар ҳақида аниқ маълумотга эга бўладилар. Музейнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Карнай-сурнай садолари остида болажонларнинг шўх кийкириклари кишига завқ бағишлади. Уларнинг қизиқиши ҳам турлича. Кимдир ўйин кулгугу билан банд. Кимдир эса берилиб расм чизмоқда.

— Мен расм чизганини жуда яхши кўраман, - дейди 10 ёшли Дилноза Ботирова. — Кўп музейларга борганман, аммо бу нисни менга кўпроқ ёқди. Ҳеч қайси музейда бемалол расм чизиб бўлмайди, нарсаларга тегишга рухсат беришмайди. Дугоналарим билан ким чиройли чизганига ўйнаймиз.

Ёшгина қизалоқларнинг бир ерга тўпланиб олганлари эътиборимиз тортди. Момоларимиздан мерос миллий хунарларимизга ҳеч нарса тенг бўлолмади. Қўлидаги биз билан йўрма услубда ёстиқ жилдига гул тушираётган Наргизани қизалоқлар ўраб олишган. Кетма-кет саволлар беришмоқда: бу ёстиқ жилдими, қачон битказасиз, кийинмасми, бунақа ипларни қаердан олгансиз, мен ҳам тикиб кўрсам майлими?..

— Миллий каштачилик менга буюмдан мерос, - дейди Наргиза Шерхожиева. — Музей очилишига таклиф қилишганда болажонлар қизиқшармикан, деб ўйлагандим. Энди эса саволларига жавоб бериб улгурмайман.

Юртимизда илк маротаба

очилган болажон музейида махсус кутубхона ташкил этилган. Бу ерда кичкинтойлар ўзларини гўё китоблар шаҳрига тушиб қолгандек ҳис қиладилар. Улар учун махсус уйча қурилган бўлиб, болажон ўзларига тегишли жойларда китоб мутолаа қилишлари, машғулотлар ўтишлари мумкин. У ерда турли адабиётлар мавжуд.

Бу каби музейлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юрти олишлари, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик, асосийси, ўз моддий-маданий меросларини асраш туйғуларини шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бундай музейлар ёшларга ўйин, ижод ва мулоқот орқали дунёни забт этишни ўргатади. Турли воқеа ва ҳодисаларга тўла ҳаётимизнинг сир-синоатларини билишига ва уларни чуқурроқ ўрганишига кенг имкон яратди. Бу ерда болажонлар эркин ҳаракат қилишлари, ўз фикрларини бемалол баён этишлари, тенгдошлари билан мулоқот қилиб, янги дўстлар орттиришлари мумкин. "Мўъжизалар олами" кичкинтойларнинг қизиқиши ва талабларини қондирувчи, тарих билан юзма-юз, эркин мулоқотга киришига имкон берувчи ягона мўъжизавий маскандир.

Бу ерга болажон оила аъзолари билан ташриф буюришлари мумкин. Келгусида мазкур музейни янги бўлимлар билан бойитиш, нафақат юртимиз, балки ўзга давлатлар ҳақида ҳам маълумот берувчи масканга айлантириш кўзда тутилган.

Адиба ФАЙЗ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



**БОКИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

**Барҳаёт анъаналар**

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ОНАЛАР КУЙЛАГАНДА" ВА "ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ШАҲАР БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ**

Хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги ролини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-маданий савиясини ошириш йўлида мамлакатимизда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган кўрик-танлов ана шундай амалий ишлар сирасига киради. Юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Оналар куйлаганда», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» номли алла, ёр-ёр, лапар кўрик-танловининг шаҳар боскичи Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва қатор

ташкilotлар ҳамкорлигида ўтказилди. — Ушбу кўрик танловни ўтказишдан асосий мақсад алла, ёр-ёр, лапар ҳамда дўппиларимизнинг энг қадимий нусхаларини тиклаб, ёш авлодга етказишдир, - дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф. Абдурахимова. — Миллий қадриятларни тиклаш, бетакрор маданият сарчашмаларидан халқимизни, айниқса, келажагимиз ворислари бўлиши ёш авлодни баҳраманд этиш, шу билан бирга муқаддас урф-одатларимиз, халқ ижодиётининг ранг-баранг намуналарини сақлаб қолишни мақсад қилганмиз. Шунингдек, оила-

даги маънавий муҳитнинг посбонлари — хотин-қизларда мафқуравий тафаккурни кенгайтиришда, алла, лапар ва ўлан каби санъат турлари билан шуғулланувчи янги иқтидор соҳибларини кашф этишда ана шундай кўрик-танловларнинг ўтказилиши айна мудоаб бўлмоқда.

Шаҳримизнинг деярли барча туманларидан келган вакиллар бирин-кетин тайёрлаган саҳна кўринишларини намойиш этишди. Олмазор туманидан қатнашган икки иштирокчилардан бири «Оналар куйлаганда» кўрик-танловига келганини, иккинчиси эса бу ерда «Оналар куйлаганда» кўрик-танлови ўтаётганини айтади. Улар нима бўлганда ҳам ушбу танловда иштирок этишларини айтиб, қўшиқ куйлаб бошлашади:

**Байрамлар ярашар кўркам диёрга  
Аллаю, лапарлар**

**жаранглар мудом  
Кўринг ҳавас қилинг,  
юртим жамолин**

**Олмазор тумани, Оналар куйин.**  
Шундан сўнг жонли ижрода ёр-ёр остида саҳнага келин чиқиб келади. Навбат алла, лапар ва айтишувларга берилади:

**Хой-хой ўлан, жон ўлан,  
келинчак қиз ёр-ёр.**  
**Ваъдасида турмаган,  
ёлгончи қиз ёр-ёр.**

**Бундай гўзал диёрни  
ким кўрибди ёр-ёр,  
Мустақиллик даврини  
биз кўрибмиз ёр-ёр.**

— Маҳаллаларда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришда ушбу кўрик-танлов ўз самарасини беришига ишончимиз комил, - дейди «Баркамол авлод» болажон ижодиёти уйи бош балеетистри Фарида Ҳайдарова. — Тадбир доирасида турли маҳаллалардаги аёллар ўзлари билган энг қадимги алла ва лапарларни ижро этишди.

Мирзо Улугбек туманидан иштирок этган Наргиза Юсупова ва унинг набираси Ибодат Тожибоева аллани қойилмақом тарзда ижро этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлишди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Олий ўрин — Гран При ва компьютер Чилонзор тумани вакилларига, биринчи ўрин ва телевизор эса Олмазор тумани жамоасига насиб этди.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,  
«Milliy tiklanish» мухбири**

Йўлинг устида чоқ қазилса агар,  
Қилур дўст ундан сени бохабар.  
Йўл озганга, десанг, йўлинг тўғридур,  
Бу унга жафою ситам, зулм эрур.

**БИЛАСИЗМИ?**

Португалияда об-ҳавонинг кескин ўзгариши ишга келмаслик учун узрли сабаб бўла олади.

Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳри ҳайдовчиларига соат 22:00 дан 5:00 га қадар сфетофорнинг қизил чироғида ўтишга рухсат берилган. Бундай имтиёз автомобил ўғрилариининг пайини қирқиш мақсадида жорий қилинган.

**ТУРФА ОЛАМ**

**ҚАДИМИЙ ҚАЛАМ**

**РОССИЯЛИК ОЛИМЛАР ЁЗГИ ЭКСПЕДИЦИЯ ЧОҒИДА ЎТА ҚАДИМИЙ ҚАЛАМ ТОПИБ ОЛИШГАН.**


Манбада келтирилишича, Бодайбин райони ҳудудидан топишган қаламнинг ёши 6000 йил атрофида бўлиб, соф графит (тоғ минерали) дан ишланган экан. Орадан бир неча асрлар ўтишига қарамай, қадимги қалам асл кўринишини йўқотмаган. Иркутск давлат техника университетининг илмий-тадқиқотлар лабораториясида бу каби топилмалар кўплаб топилади. Университет сайтида берилган маълумотларга қараганда, лабораторияда мавжуд экспонатларнинг 30 мингга яқини ўта қадимий аёшлар сирасига киради.



**ҒАЙРИОДДИЙ СМАРТФОН**

**BLACKBERRY 9980 НОМИНИ ОЛГАН ҒАЙРИОДДИЙ СМАРТФОН ТАСВИРИ ИЛК БОР ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ ОРҚАЛИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ.**

Кўринишидан ушбу аппарат ғайриоддий туюлса-да, унинг дизайни ҳаммага бирдек ёқибди амричамаҳол. Смартфондаги сенсор дисплей аппарат корпусидан, QWERTY клавиатуралар эса унинг остидан жой олган. Шунингдек, аппарат фото ва видеокамераларга ҳам эга. Мазкур модель Research In Motion (RIM) компанияси томонидан чекланган миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. Сабаби, бундай смартфонларга жавоҳир тошлар ёрдамида безак берилиши эҳтимолдан холи эмас.



**ЯНГИЧА НАВ**

**АВСТРАЛИЯЛИК ОЛИМЛАР БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР (БФҚ) ЎРНИНИ БОСУВЧИ ГУРУЧНИНГ ЯНГИЧА НАВИНИ КАШФ ЭТИШДИ.**


Мазкур гуруч устида илмий тадқиқотлар олиб борган гуруҳ раҳбари, олим Алекс Джонсоннинг айтишича, гени ўзгартirilган бундай гуруч таркибидан инсон организми учун ўта зарур темир ва рух моддалари бор экан. Олимлар БФҚ ўрнини босувчи янги гуруч навини яратиш йўлида озроқ ҳийла ишлатишга мажбур бўлишган. Яъни, ўсимлик генига "сенда темир моддаси камроқ" деган маълумотни жойлашди ва бунинг натижаси ўларок, гуручнинг янги нави яралди.



**ЧИҚИНДИХОНА ЎРНИДА ПЛЯЖ**

**ФОРТ-БРАГГ (КАЛИФОРНИЯ, АКШ) ШАҲРИ ЯҚИНИДА БАРПО ЭТИЛГАН ПЛЯЖ ЧИҚИНДИХОНА УСТИГА ҚУРИЛГАН.**

Маълумотларга қараганда, ўтган асрнинг 50-йилларида ҳозирги пляж ўрнида улкан чиқинди "тоғ"лари бўлган. 1960 йили маҳаллий ҳокимият океан яқинида жойлашган чиқиндиҳона табиатга катта зиён етказиб қолганини тушуниб етди. Фақат 1967 йилга келибгина чиқиндиҳона расман ёпиб қўйилди. Орадан ўттиз йил ўтган, чиқиндиҳона пляжга айлантирилди. Айтишларича, бу ерга келган инсоннинг кўзи ярқирок тошлардан қамашиб кетармиш. Чунки, океан сувлари ўз қаъридаги шиша синиқларига қайта ишлов бериб, соҳилга чиқариб ташлаган. Шу боис, пляждаги тош ва қумлар ял-ял ёниб туради.



**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши, вилоят депутатлик гуруҳи аъзолари ЎЗМТДП Булоқбоши туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Абдурахмон Исақовга опаси

**Майрамхон ИСАКОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.